N 16 (145) • 2008 йил 18 апрель

Иқтисодий–ҳуқуқий газета

# НОРМА МАСЛАҲАТЧИ

СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ
ҲУҚУҚ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

«СБХ» газетаси билан биргаликда тарқатилади.

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасида*

## ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРГА БАҒИШЛАНДИ

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги, «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги ва «Электрон тижорат тўғрисида»ги қонунларнинг амал қилиш механизмларини такомиллаштиришнинг долзарб масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.***

Парламент қуйи палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, манфаатдор вазирликлар, идоралар ва ташкилотларнинг вакиллари, олимлар, мутахассислар, оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашдилар.

Мазкур қўмита раиси А.Мўминов бошқарган анжуманда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари Х.Дўстмуҳамедов, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг ўринбосари А.Хўжаев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда тараққиётнинг муҳим омили бўлган ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиб, соҳадаги ютуқларни ҳаётга изчил татбиқ этиш борасида улкан ишлар амалга оширилаётганини таъкидладилар.

Семинарда номи зикр этилган қонунларнинг амал қилиш механизмларини янада такомиллаштириш зарурлиги қайд этилди. Айни пайтда электрон рақамли имзони оммавийлаштириш, уни, жумладан, таълим муассасалари, бюджет ва жамоат ташкилотларига электрон рақамли имзо ва дастур маҳсулотларидан имтиёзли фойдаланиш шартлари асосида тақдим этиш муҳим аҳамиятга эга.

Бу борада юртимизда юридик шахслардан молиявий ва солиқ ҳисоботларини қабул қилиш тизимини ташкил этиш, аҳоли ва хўжалик субъектлари ўртасида кенг тушунтириш ишларининг олиб борилишига эришиш мақсадга мувофиқдир.

Тадбирда Ўзбекистон Республикасининг «Электрон тижорат тўғрисида»ги қонунини амал қилиш самарадорлигини янада ошириш мақсадида тегишли меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш юзасидан бир қатор фикр ва мулоҳазалар билдирилди.

## ЯНГИ НАШР ТАҚДИМОТИ

***Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида «Ўзбекистоннинг сармоявий салоҳияти» нашрининг тақдимоти бўлиб ўтди.***

***Шу муносабат билан ўтказилган маросимда юртимизнинг турли вазирлик ва идоралари, халқаро ташкилотлар, компания ва фирмалар, юртимизда аккредитация қилинган дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.***

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси А.Шайхов, «Ўзинфоинвест» агентлиги директори Б.Ирматов мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида хорижий сармоядорлар билан ҳамкорликда бизнес юритиш учун яратилган қулай сармоявий муҳит, зарур шароит ва имтиёзлар чет эл фирма ва компанияларининг Ўзбекистонга қизиқишини тобора ошираётганини алоҳида таъкидладилар. Бу эса юртимиз иқтисодиётининг изчил ривожланишига ва халқаро ҳамкорликнинг янада мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек, 2007 йил давомида иқтисодиётимизга киритилган инвестицияларнинг умумий ҳажми 23 фоизга ортди ва 4,3 миллиард доллардан зиёд миқдордаги маблағни ташкил этди.

Ўзлаштирилган хорижий инвестициялар ҳажми 58 фоизга ортди. Уларнинг 76 фоизи тўғридан-тўғри киритилган хорижий инвестициялар эканини қайд этиш лозим. Инвестиция дастури доирасида 2007 йилда 300 дан зиёд йирик инвестиция лойиҳаси ниҳоясига етказилди.

«Ўзбекистоннинг сармоявий салоҳияти» нашри Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, «Ўзинфоинвест» агентлиги, БМТ Ривожланиш дастури, Халқаро савдо палатаси ҳамда Савдо ва ривожланиш бўйича БМТ конференцияси ҳамкорлигида тайёрланди.

Мазкур нашрда мамлакатимизнинг сўнгги йиллардаги ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, иқтисодий салоҳияти, юртимиздаги сармоявий муҳит ва чет эл инвесторлари учун яратилган қулай шарт-шароит ҳамда имтиёзлар хусусида сўз юритилган.

– Ўзбекистонда чет эллик ишбилармонларнинг фаол иш юритиши учун барча имкониятлар мавжуд, – дейди Савдо ва ривожланиш бўйича БМТ конференциясининг бош маслаҳатчиси Лоррен Раффинг. – Кўплаб фойдали маълумотларга бой бўлган ушбу нашр сармоядорлар учун муҳим манба бўлиб хизмат қилишига шубҳа йўқ. Ўзбекистон билан ҳамкорликда яна кўплаб лойиҳаларни амалга ошириш ниятидамиз.

***ЎзА.***

## ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

### ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР

**2008 йил 4 апрелдаги ЎРҚ-140-сон Қонун билан** *(«Норма маслаҳатчи»нинг шу сонидаги ҳужжатлар пакетида чоп этилмоқда)* Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги конвенция (Женева, 1973 йил 26 июнь) ратификация қилинди. Унга мувофиқ энг кичик ёш мактаб таълимини мажбурий тугатиш ёшидан, ҳар ҳолда ўн беш ёшдан паст бўлмаслиги керак. Иқтисодиёти ва таълим тизими етарлича ривожланмаган давлат иш берувчи манфаатдор ташкилотлар ва ишчилар билан маслаҳатлашгандан сўнг энг кичик ёшни ўн тўрт ёш этиб белгилаши мумкин. Ўзининг хусусиятига кўра ёки бирор вазият билан ўсмирнинг соғлиғи, хавфсизлиги ёки маънавиятига зиён етказишининг эҳтимоли бўлган ишга қабул қилинган ҳолларда белгиланаётган ёш ўн саккиз ёшдан паст бўлмаслиги керак.

**2008 йил 5 апрелда «Халқ сўзи» газетасида эълон қилинган кундан бошлаб кучга кирди.**

* * *

**2008 йил 8 апрелдаги ЎРҚ-144-сон Қонун билан** *(«Норма маслаҳатчи»нинг шу сонидаги ҳужжатлар пакетида чоп этилмоқда)* Болалар меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисидаги конвенция (Женева, 1999 йил 17 июнь) ратификация қилинди. Бундай меҳнат шаклларига Конвенция қуйидагиларни киритади:

– қулликнинг барча шакллари ёхуд қулликка тенглаштирилган амалиёт, масалан, болаларни сотиш ва улар савдоси билан шуғулланиш, қарз эвазига қулликка бериш ва крепостной боғлиқлик, шунингдек мажбурий меҳнат, шу жумладан қуролли низоларда иштирок этиш учун болаларни мажбурий жалб этиш;

– фоҳишабозлик билан шуғулланиш, шунингдек порнография маҳсулотини ишлаб чиқариш ёхуд порнографик томошалар мақсадида болалардан фойдаланиш, уларни жалб этиш ёхуд шу мақсадларда уларни таклиф этиш;

– ноқонуний фаолият билан шуғулланиш, хусусан, наркотик моддаларни ишлаб чиқариш ва сотиш мақсадида болалардан фойдаланиш, уларни жалб этиш ёхуд шу мақсадларда уларни таклиф қилиш;

– ўзининг хусусияти ёхуд шароитларига кўра болаларнинг соғлиғи, хавфсизлиги ёки маънавиятига зиён етказишининг эҳтимоли бўлган иш.

**2008 йил 9 апрелда «Халқ сўзи» газетасида эълон қилинган кундан бошлаб кучга кирди.**

* * *

**2008 йил 9 апрелдаги ЎРҚ-146-сон Қонунига мувофиқ** Ўзбекистон Республикаси Ядровий терроризм актларига қарши кураш тўғрисидаги халқаро конвенцияга (Нью-Йорк, 2005 йил 13 апрель) қўшилмоқда.

**2008 йил 10 апрелда «Халқ сўзи» газетасида эълон қилинган кундан бошлаб кучга кирди.**

### БОЖХОНА ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

**2008 йил 7 апрелдаги ЎРҚ-142-сон Қонунга мувофиқ** *(«Норма маслаҳатчи»нинг шу сонидаги ҳужжатлар пакетида чоп этилмоқда)* Божхона кодексига ўзгартиш киритилган бўлиб, унга мувофиқ Вазирлар Маҳкамасига жисмоний шахслар томонидан олиб кирилаётган товарлардан олинадиган қўшилган қиймат солиғи, бож ва йиғимлар ўрнига ягона божхона тўлови тўлашни назарда тутувчи божхона тўловларини ундиришнинг соддалаштирилган тартибини белгилаш ҳуқуқини берувчи Божхона кодекси 109-моддасининг учинчи қисми чиқариб ташланди.

**2008 йил 8 апрелда «Халқ сўзи» газетасида эълон қилинган кундан бошлаб кучга кирди.**

* * *

**2008 йил 7 апрелдаги ЎРҚ-143-сон Қонун билан** *(«Норма маслаҳатчи»нинг шу сонидаги ҳужжатлар пакетида чоп этилмоқда)* чет эллик инвесторлар ва чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарга тақдим этиладиган божхона имтиёзларининг қўлланилиш тартибини белгилайдиган божхона қонунчилиги меъёрларига ўзгартишлар киритилди. Хусусан, божхона имтиёзларини олиш учун зарур бўлган хорижий корхоналардаги чет эл инвестицияларининг улуши камида 33 фоизни ташкил этиши кераклиги белгиланди.

«Бож тарифи тўғрисида»ги Қонунга киритилган ўзгартишларга мувофиқ, бож ундиришдан озод этилган мол-мулк рўйхатига шунингдек республикага чет эллик инвесторлар ва устав фондида чет эл инвестицияларининг улуши камида ўттиз уч фоиз бўлган чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар томонидан ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олиб кириладиган мол-мулк ҳам киради.

**2008 йил 8 апрелда «Халқ сўзи» газетасида эълон қилинган кундан бошлаб кучга кирди.**

### ЧЕККАНЛИК УЧУН ЖАРИМА

**2008 йил 8 апрелдаги ЎРҚ-145-сон Қонун** *(«Норма маслаҳатчи»нинг шу сонидаги ҳужжатлар пакетида чоп этилмоқда)* Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритди. Уларга мувофиқ Кодекснинг амал қилиши, агар халқаро шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, энди Ўзбекистон Республикасининг байроғи остидаги ёки республиканинг портида рўйхатга олинган кемаларда ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга ҳам татбиқ этилади. Транспорт воситаларининг ички жиҳозларига шикаст етказиш ва ҳаво кемаларида ўзини тутиш қоидаларини бузганлик учун жарималар миқдори оширилди. Белгиланмаган жойларда, хусусан, шаҳар автобусларида, шунингдек таксиларда, маршрут таксиларда ҳамда шаҳар электр транспортида чекиш энг кам иш ҳақининг йигирмадан бир қисми миқдорида жарима солишга сабаб бўлиши белгиланган. Ҳаво кемаларида чекиш учун эса энг кам иш ҳақининг икки баравари миқдорида жарима солинади.

**2008 йил 9 апрелда «Халқ сўзи» газетасида эълон қилинган кундан бошлаб кучга кирди.**

### РОСТИНИ АЙТИНГ!

**«Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунга 2008 йил 9 апрелдаги ЎРҚ-147-сон билан** киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий органларига ишлаб чиқарувчига (ижрочига, сотувчига) товарлар (ишлар, хизматлар) тўғрисида ахборот тақдим этмаганлик ёки била туриб нотўғри маълумотлар тақдим этганлик учун:

юридик шахсларга – энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда;

жисмоний шахсларга – ЭКИҲнинг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солиш ҳуқуқи берилди.

**2008 йил 9 апрелда «Халқ сўзи» газетасида эълон қилинган кундан бошлаб кучга кирди.**

**«Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонунга 2008 йил 9 апрелдаги ЎРҚ-148-сон Қонун билан** *(«Норма маслаҳатчи»нинг шу сонидаги ҳужжатлар пакетида чоп этилмоқда)* 2-бетда

УШБУ СОНДА

1-3-бетлар Янги ҳужжатларда қандай янгиликлар бор?

3-бет Бизнинг маслаҳатлар

6-бет Якка тартибдаги тадбиркорга ўзига хос ёндашув

7-10-бетлар Қонунчиликдаги янги ҳужжатлар

$1 = 1303,01 сўм €1 = 2051,59 £1 = 2579,57 сўм ¥10 = 127,67 сўм

INTER PRESS
INTER-PRESS
АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ
ОБУНА-2008
ГАЗЕТАЛАР, ЖУРНАЛЛАР, КИТОБЛАР
Bella Terra • Baby Terra • Jannat Makon • 7 дней • Burda • Cosmopolitan • Forbes • Домовой • Glamour • OOPS! • Автомир
Аргументы и Факты • Verena • Вокруг света Вокруг смеха • Все звезды • За рулем • Здоровье • Итоги
• Караван Историй • Класcон • КоммерсантЪ • Крестьянка • Лиза • Огонек • Отдохни! • Совершенно секретно
www.interpress.uz
тел./факс: (99897) 119-0000 155-0955
Тошкент ш., Навоий кўч., 13

# ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ

1-бетда

киритилган қўшимчаларга мувофиқ инвестор билан давлат мулкини бошқариш бўйича ваколатли давлат органи ўртасида тузилган шартномага мувофиқ инвестиция мажбуриятлари сифатида киритилаётган маблағлар ва бошқа мол-мулк инвестиция даври мобайнида қарздорнинг илгари юзага келган қарзини қоплаш ҳисобига мажбурий тартибда ундириб олинмайди.

**2008 йил 9 апрелда «Халқ сўзи» газетасида эълон қилинган кундан бошлаб кучга кирди.**

## КОММУНАЛ ВА ИШ ҲАҚИ БЎЙИЧА ҚАРЗЛАР СУД БУЙРУҒИ БИЛАН УМУМЛАШТИРИЛДИ

**2008 йил 9 апрелдаги ЎРҚ-149-сон Қонун билан** *(«Норма маслаҳатчи»нинг шу сонидаги ҳужжатлар пакетида чоп этилмоқда)* Фуқаролик процессуал кодексига суд буйруғи қандай талаблар бўйича чиқарилишига доир ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Чунончи, ёзма битимга асосланган ва жавобгар томонидан тан олинган талабга коммунал хизматлар тўлови бўйича қарзни ундириш ҳақидаги талаб ҳам киритилди. Суд буйруғи шунингдек ҳисобланган, лекин ходимга тўланмаган иш ҳақини ва унга тенглаштирилган тўловларни ундириш ҳақидаги арз қилинган талаблар бўйича ҳам чиқарилиши мумкин.

**2008 йил 10 апрелда «Халқ сўзи» газетасида эълон қилинган кундан бошлаб кучга кирди.**

## ИЖТИМОИЙ РЕКЛАМАГА ЖОЙ АЖРАТИЛАДИ

**«Реклама тўғрисида»ги Қонунга 2008 йил 10 апрелдаги ЎРҚ-150-сон Қонун билан** ўзгартишлар киритилди. Улар реклама тарқатувчилари томонидан реклама учун ажратилган эфир вақти, нашр ёки реклама майдони умумий йиллик ҳажмининг 5 фоизидан кам бўлмаган ҳажмда ижтимоий рекламали ахборотни жойлаштирилишини шарт қилиб қўйди. Бунда фаолияти Давлат бюджети ҳисобидан тўлиқ ёки қисман молиялаштириладиган реклама тарқатувчилар ижтимоий рекламали ахборотни бепул жойлаштириш ҳуқуқига эга бўлдилар.

**2008 йил 11 апрелда «Халқ сўзи» газетасида эълон қилинган кундан бошлаб кучга кирди.**

## ЖАРИМА ЎРНИГА ...ҚАМОҚ ЖАЗОСИ

**2008 йил 10 апрелдаги ЎРҚ-151-сон Қонун билан** жарима тариқасидаги жиноий жазони ижро этиш тартибини такомиллаштириш масалалари бўйича айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

**Жиноят кодексига киритилган ўзгартишларга мувофиқ,** ҳукм қилинган шахс жазо тариқасида тайинланган жаримани мажбурий ижро этиш учун белгиланган муддатларда тўлашдан бўйин товласа ёхуд қарздорда ундирув қаратилиши мумкин бўлган мол-мулк мавжуд эмаслиги туфайли мажбурий ижро этиш учун белгиланган муддат мобайнида жаримани ундиришнинг имкони бўлмаса, худди шунингдек кечиктириш муддати тугаганидан кейин жарима тўланмаган ёки жаримани бўлиб-бўлиб тўлаш шартлари бузилган тақдирда, суд жариманинг тўланмаган миқдорини ахлоқ тузатиш ишлари, хизмат бўйича чеклаш, қамоқ ёки **озодликдан маҳрум қилиш** тариқасидаги жазо билан алмаштиради. **Жиноят-ижроия кодексига киритилган ўзгартишларга мувофиқ** жарима тариқасидаги жазога ҳукм қилинган шахс жаримани ҳукм қонуний кучга кирган кундан бошлаб бир ойлик муддат ичида ихтиёрий равишда тўлаши шарт. Ўн саккиз ёшга тўлмаган жиноят содир этган шахс учун мазкур муддат олти ой этиб белгиланди.

**ЖПКга киритилган қўшимчаларга мувофиқ** жарима жазосига ёки ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахс узрсиз сабабларга кўра судда ҳозир бўлмаган тақдирда, жазони ижро этувчи органнинг тақдимномаси маҳкум йўқлигида кўриб чиқилиши мумкин.

**«Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонунга** ҳам тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган.

**2008 йил 11 апрелда «Халқ сўзи» газетасида эълон қилинган кундан бошлаб кучга кирди.**

## ИМПОРТ ҚИЛУВЧИЛАР УЧУН ЯНГИ ТИФ ТН ВА БОЖ СТАВКАЛАРИ...

**Президентнинг 2008 йил 27 мартдаги «Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолиятини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-823-сон қарорига биноан** 2008 йилнинг 1 апрелидан бошлаб товарлар ўнинчи рақам даражасигача янада аниқ классификация қилинган (2007 йилги версияда) Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятининг янгиланган Товар номенклатураси амалга киритилди. Бир вақтнинг ўзида иловага мувофиқ импорт божи ставкалари ҳам тасдиқланди.

Президентнинг баъзи қарорларига ҳам тегишли ўзгартишлар киритилмоқда.

## ...ЭКСПОРТ ҚИЛУВЧИЛАРГА – ЯНГИ РЎЙХАТЛАР

**Президентнинг 2008 йил 28 мартдаги ПФ-3982-сон Фармони билан** «Товарлар (ишлар, хизматлар) экспортини рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1997 йил 10 октябрдаги ПФ–1871-сон Фармонига ўзгартишлар киритилди. Хусусан, қуйидаги рўйхатлар янги таҳрирда қабул қилинди:

– Вазирлар Маҳкамаси фармойишлари асосида Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан бериладиган лицензиялар бўйича экспорт-импорт қилинадиган ўзига хос товарлар рўйхати;

– Имтиёзлар татбиқ этилмайдиган экспорт хом ашё товарлари рўйхати;

– Экспорт қилиш тақиқланган буюмлар ва маҳсулотлар рўйхати.

**Ўзгартишлар 2008 йил 1 апрелдан бошлаб кучга кирди.**

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятида янги унификацияланган Товар номенклатураси (2007 йил версияси) қабул қилинганига мувофиқ бир қатор фармонлар ўз кучини йўқотган деб топилди.

## УСТОЛАР СОЛИҚДАН ОЗОД ЭТИЛДИ

**Президентнинг 2008 йил 1 апрелдаги «Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПФ-3983-сон Фармонига мувофиқ** Президентнинг «Халқ бадиий ҳунармандчиликлари ва амалий санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 28 мартдаги ПФ–3588-сон Фармони билан тасдиқланган рўйхатга мувофиқ уй шароитида халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъати буюмларини ишлаб чиқариш бўйича якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан банд бўлган шахслар **қатъий белгиланган солиқ тўлашдан 2010 йилнинг 1 апрелигача озод этилади.**

## ЗАХИРАДА ҚАНЧА ПУЛ БОР?

**2008 йил 27 мартда Президентнинг «Нақд пул маблағларини жалб қилиш ва унга бўлган эҳтиёжни таъминлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПҚ-822-сон қарори қабул қилинди.**

Мижозларга ўз вақтида хизмат кўрсатиш учун тижорат банкларининг нақд пул маблағларига бўлган эҳтиёжларини тўлароқ қондириш, шунингдек, нақд пул маблағларини банк айланмасига қўшимча равишда жалб қилиш мақсадида Марказий банк, Давлат солиқ қўмитаси, тижорат банклари ва Республика Пул-кредит сиёсати комиссияси зиммасига бир қатор чора-тадбирларни амалга оширишга доир мажбуриятлар юклатилди. Чунончи, Марказий банк тижорат банклари билан биргаликда 2008 йил 1 апрелдан бошлаб тижорат банклари ва уларнинг филиаллари кассаларида нақд пул захираларининг энг кам миқдорини банклар мижозларининг нақд пул маблағларига бўлган икки кунлик эҳтиёжлари даражасида белгилашлари керак.

## БУҒДОЙНИНГ СУҒУРТА ФОНДИ

**Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 28 мартдаги 54-сон қарори билан** Озиқ-овқат буғдойининг суғурта фондини ғамлаш, сақлаш, янгилаш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди. Мазкур Фонд дахлсиз ҳисобланади ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорисиз сарфланиши мумкин эмас. Суғурта фондига озиқ-овқат буғдойининг ўз вақтида ғамланишини, унинг зарур тарзда сақланишини ва дахлсизлиги талабларига риоя қилинишини ҳамда ўз вақтида янгилашни «Ўздонмаҳсулот» АК таъминлайди.

## ТИББИЙ ФАОЛИЯТ ЛИЦЕНЗИЯНИ ТАЛАБ ЭТАДИ

**Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 3 апрелдаги «Тиббий фаолиятни лицензиялаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 61-сон қарори билан қуйидагилар тасдиқланди:**

– Тиббий фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низом;

– Хусусий тиббиёт муассасаларига лицензия бериладиган тиббий фаолият ихтисосликлари турларининг рўйхати;

– Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Лицензиялаш ва нодавлат тиббиёт муассасалари томонидан кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини назорат қилиш бошқармаси тўғрисидаги низом.

Ҳужжат билан белгиланишича, тиббий фаолиятни амалга ошириш учун илгари берилган лицензиялар лицензиатлар янги лицензия талаблари ва шартларига мувофиқ бўлган тақдирда ушбу қарор чиққан кундан бошлаб 5 йил мобайнида амал қилади. Ушбу талаблар қуйидагилардан иборат: олий тиббий маълумотга ва мутахассислиги бўйича камида 5 йил иш стажига ва тиббий фаолиятнинг лицензияланаётган тегишли турига мувофиқ бўлган ташкилий-техник шарт-шароитлар ва моддий-техника жиҳозларига эга бўлиш; тасдиқланган намуналар ва шакллар бўйича дастлабки тиббий ҳужжатларни юритиш; фаолиятни лицензияда кўрсатилган тур ва/ёки ихтисослик доирасида, шунингдек лицензия битимига мувофиқ манзил (манзиллар) бўйича амалга ошириш ва бошқа талаблар.

## БАНКЛАРНИНГ ИНВЕСТИЦИЯ ФАОЛИЯТИ УЧУН ТАЛАБЛАР

**Марказий банк бошқаруви ва Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг қўшма қарори билан Банкларнинг қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачиси, инвестиция активларини бошқарувчи ва инвестиция консультанти сифатида касбий фаолиятни амалга оширишига оид талаблар тўғрисидаги низом тасдиқланди *(АВ томонидан 2008 йил 2 апрелда 1782-сон билан рўйхатдан ўтказилган).***

Мазкур ҳужжатга мувофиқ, банк Марказий банкдан банк фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияни олган вақтдан бошлаб ушбу фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига эгадир, бунда унинг учун алоҳида лицензия олиш талаб этилмайди.

Банкда ушбу фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ операциялар

## ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2008 йил 15 апрелдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)*

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1209,45 | 1 Польша злотийси | 594,44 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2579,57 | 1 СДР | 2133,30 |
| 1 Дания кронаси | 275,15 | 1 Туркия лираси | 1007,35 |
| 1 БАА дирҳами | 354,81 | 1 Швейцария франки | 1292,41 |
| 1 АҚШ доллари | 1303,01 | 1 ЕВРО | 2051,59 |
| 1 Миср фунти | 239,66 | 10 Жанубий Корея вони | 13,37 |
| 1 Исландия кронаси | 18,01 | 10 Япония иенаси | 127,67 |
| 1 Канада доллари | 1285,53 | 1 Россия рубли | 55,33 |
| 1 Хитой юани | 186,19 | 1 Украина гривнаси | 258,02 |
| 1 Малайзия ринггити | 410,85 | | |

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

## МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

| Мамлакат | Сана | АҚШ доллари | | Евро | | Россия рубли | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | бирлиги | курси | бирлиги | курси | бирлиги | курси |
| Озарбайжон | 16.04.2008 | 1 | 0,8303 | 1 | 1,3109 | 1 | 0,0353 |
| Арманистон | 16.04.2008 | 1 | 310,39 | 1 | 492,99 | 1 | 13,25 |
| Беларуссия | 17.04.2008 | 1 | 2144 | 1 | 3395,77 | 1 | 91,44 |
| Грузия | 16.04.2008 | 1 | 1,4505 | 1 | 2,2985 | 1 | 0,0618 |
| Қозоғистон | 17.04.2008 | 1 | 120,26 | 1 | 191,06 | 1 | 5,14 |
| Қирғизистон | 12.04.2008 | 1 | 36,4999 | 1 | 57,7666 | 1 | 1,5543 |
| Латвия | 17.04.2008 | 1 | 0,445 | 1 | 0,702804 | 1 | 0,0189 |
| Литва | 17.04.2008 | 1 | 2,1809 | 1 | 3,4528 | 10 | 9,3003 |
| Молдова | 16.04.2008 | 1 | 10,4439 | 1 | 16,5396 | 1 | 0,4453 |
| Тожикистон | 17.04.2008 | 1 | 3,4233 | 1 | 5,4184 | 10 | 1,4599 |
| Ўзбекистон | 15.04.2008 | 1 | 1303,01 | 1 | 2051,59 | 1 | 55,33 |
| Украина | 16.04.2008 | 100 | 505 | 100 | 799,314 | 10 | 2,1531 |
| Эстония | 16.04.2008 | 1 | 9,86607 | 1 | 15,6466 | 1 | 0,421076 |

*Манба: www.prime-tass.ru*

УШБУ СОНДА:

✓ УСТУВОРЛИКЛАР
- Янги ҳужжатларни тақдим этамиз *1-бет*
✓ ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР
- Тадбиркорнинг индивидуал тўловлари
- Валюталар курси *2-3-бетлар*
✓ ҲУҚУҚИЙ ЁРДАМ
- Аккредитив очилган. Товарни юкланг *4-бет*
✓ БИЗНЕС ҚОИДАЛАРИ
- Якка тартибдаги тадбиркор: ўзига хос ёндашув *5-бет*
✓ КАДРЛАР БЎЛИМИ
- Қонуний ишдан бўшатиш *6-бет*
✓ ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари:
- "Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги конвенцияни (Женева, 1973 йил 26 июнь) ратификация қилиш ҳақида";
- "Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 389-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида";
- "Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 109-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида";
- "Божхона имтиёзларининг қўлланилиш тартибини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида";
- "Болалар меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисидаги конвенцияни (Женева, 1999 йил 17 июнь) ратификация қилиш ҳақида";
- "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида";
- "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида";
- "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 47-моддасига қўшимча киритиш ҳақида";
- "Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 238-2-моддасига ўзгартиш ва қўшимча киритиш тўғрисида".

**Идоравий-меъёрий ҳужжатлар:**
- ЎзР ДСҚ, МББнинг "Нақд пул тушуми келиб тушишининг хронометражини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори;
- ЎзР ДБҚнинг "Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан ўтаётган шахсларни кўздан кечириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш киритиш ҳақида"ги қарори.

**Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2008 йил 1 мартдан 14 мартгача бўлган маълумот.** *7-10-бетлар*

✓ БИЗНЕС-ПАНОРАМА *11-16-бетлар*

# ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

бўйича жавобгарлик юклатилган таркибий бўлинма бўлиши лозим, унинг ходимлари қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи малака аттестатига эга бўлиши лозим. Мазкур бўлинма раҳбари қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи I тоифали малака аттестатига эгалик қилиши лозим. Белгиланишича, Қимматли қоғозлар билан амалга оширилаётган шартномаларни тузишда бир томон бўлиб қатнашаётган банк мазкур шартномани рўйхатга олиш ҳуқуқига эга эмас. У биржадан ташқари битимларнинг рўйхатини юритиш талабларига риоя қилиши ҳамда рўйхатга олинган битимлар бўйича қимматли қоғозлар бозорини тартибга солувчи ваколатли давлат органига қонунчиликда белгиланган тартибда ахборот тақдим этиши лозим.

**2008 йил 12 апрелдан кучга кирди.**

## БИР МАРТА ИШЛАТИЛСИН

**Соғлиқни сақлаш вазирининг буйруғи билан Қон билан боғлиқ бўлган кўп маротаба қўлланилиши тақиқланган тиббий анжом ва ускуналар рўйхати тасдиқланди *(АВ томонидан 2008 йил 4 апрелда 1784-сон билан рўйхатдан ўтказилди).***

**2008 йил 14 апрелдан кучга кирди.**

## КЎМИР ОЛИШ УЧУН – БИРЖАГА

**Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигининг қўшма қарори билан Биржа савдоларида кўмирни сотиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди *(АВ томонидан 2008 йил 7 апрелда 1785-сон билан рўйхатдан ўтказилди).*** Ҳужжат Ўзбекистоннинг кўмирни қазиб олувчи, етказиб берувчи ва ундан фойдаланувчи корхона ва ташкилотларга татбиқ этилади. Уни сотиш Товар-хом ашё биржаларида электрон биржа савдолари тизимидан фойдаланган ҳолда реал вақт режимида амалга оширилиб, сотиб олинган кўмир фақат Республика ҳудудида фойдаланилиши мумкин. Кўмирни сотиш ҳажмлари ҳар йили тасдиқланадиган кўмир қазиб чиқариш ва фойдаланиш кўрсаткичларидан келиб чиққан ҳолда шакллантирилади. Сотувчилар кейинги йил учун кўмир қазиб чиқариш ва фойдаланиш моддий балансларини олганларидан сўнг 10 кундан кечиктирмасдан Иқтисодиёт вазирлиги ва Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси билан келишилган ҳолда маҳсулот сотиш учун уни биржа савдоларига чиқаришнинг ҳар ойлик жадвалларини тасдиқлайдилар ва биржага тақдим этадилар. Савдолар иш кунларида мунтазам ўтказиб борилади.

**2008 йил 17 апрелдан кучга кирди.**

## ХРОНОМЕТРАЖ ҚАНДАЙ ЎТКАЗИЛАДИ?

**Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банк бошқарувининг қўшма қарори билан** («Норма маслаҳатчи»нинг шу сонидаги ҳужжатлар пакетида чоп этилмоқда) **Нақд пул тушуми келиб тушишининг хронометражини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди *(АВ томонидан 2008 йил 9 апрелда 1788-сон билан рўйхатдан ўтказилди).***

Солиқ тўловчининг нақд пул тушуми келиб тушишининг хронометражини хронометраж ўтказилган даврда ҳақиқатда келиб тушган нақд пул тушумини аниқлаш мақсадида ўтказилади. Хронометраж нақд ҳисоб-китоб асосида товарлар реализация қиладиган ёки хизматлар кўрсатадиган солиқ тўловчи ҳузурида бевосита товарлар реализация қилинадиган, хизматлар кўрсатиладиган жойда давлат солиқ хизмати органи томонидан кузатиш ва қайд этиш орқали ўтказилади. Хронометраж натижаси солиқ тўловчини жавобгарликка тортиш учун асос бўла олмаслиги белгиланган.

**2008 йил 19 апрелдан кучга киради.**

## БОЖХОНАДАН КЎЗДАН КЕЧИРИШСИЗ ЎТИШ

**Давлат божхона қўмитасининг қарори билан** («Норма маслаҳатчи»нинг шу сонидаги ҳужжатлар пакетида чоп этилмоқда) **Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан ўтаётган шахсларни кўздан кечириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш киритилди *(АВ томонидан 2008 йил 9 апрелда 1307-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган).*** Унга мувофиқ, хизмат вазифасини бажариш билан боғлиқ бўлган ҳолда божхона чегарасидан ўтаётганда божхона назоратининг «Шахсни кўздан кечириш» шаклидан озод қилинадиган шахслар жумласига Олий Мажлис Сенати аъзолари, шунингдек Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ҳам киритилди.

**2008 йил 19 апрелдан кучга киради.**

## ЭЛИТА УРУҒЛАРИ УЧУН НИЗОМ

**Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг қарори билан Уруғчилик фермер хўжаликларида етиштирилган бошоқли дон экинларининг суперэлита ва элита уруғларини тўлиқ ҳажмда харид қилиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди (АВ томонидан 2008 йил 11 апрелда 1789-сон билан рўйхатдан ўтказилган).** Низом уруғчилик фермер хўжаликларида бошоқли дон экинларининг суперэлита ва элита уруғларидан етиштирилган уруғлик донни тўлиқ ҳажмларда давлат эҳтиёжлари учун харид қилиш ҳамда қўшимча харид қилинган уруғлик ўрнини товар дон билан қоплаб бериш тартибини белгилайди.

**2008 йил 21 апрелдан кучга киради.**

## КУЧИНИ ЙЎҚОТГАН ҲУЖЖАТЛАР:

**Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитасининг қарори билан Акциз маркалари билан маркаланмаган тамаки маҳсулотларини ва алкоголли ичимликларни мусодара қилиш ва сотиш тартиби ва уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритган ҳужжатлар ўз кучини йўқотган деб топилди *(АВ томонидан 2008 йил 8 апрелда 1787-сон билан рўйхатдан ўтказилган).***

**2008 йил 18 апрелдан кучга киради.**

**«Ўзбеккино» миллий агентлиги Бош директорининг буйруғи билан Киновидеофаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берадиган махсус рухсатнома (лицензия) бериш ва рўйхатга олиш тартиби ўз кучини йўқотган деб топилди *(АВ томонидан 2008 йил 4 апрелда 371-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган).***

**2008 йил 14 апрелдан кучга кирди.**

***Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қисқача шарҳлари 2008 йил 30 мартдан 12 апрелгача бўлган давр учун «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»нинг 14-15-сони асосида тайёрланди.***

*Мазкур ва бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан www.norma.uz сайтидаги эркин кириладиган «Қонунчиликдаги янгиликлар» рукнида танишиб чиқишингиз мумкин.*


● РЕКЛАМА

"Картрижларни Тўлдириш Маркази"

*муваффақиятингиз учун комплекс ечим*

919-30-40

*картрижлар, принтерлар, копирлар, ШКларни*

ТЎЛДИРИШ - ТАЪМИРЛАШ - АЛМАШТИРИШ

7 777 сўмдан бошлаб

"Trade in" хизмати

рг_3-75-77


*Эксперт юридик хизмати маслаҳат беради*

# ТАДБИРКОРНИНГ ИНДИВИДУАЛ ТЎЛОВЛАРИ

**?**



***Электрончи муҳандиснинг асосий иш жойи МЧЖ ҳисобланади. Асосий ишдан бўш вақтда у якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланади, шахсий компьютерларга техник хизмат кўрсатади ва уларни таъмирлайди. Якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти бўйича иш ҳажми қатъий белгиланган солиқни тўлаш учун етмайди.***

***Тушунтириб берсангиз, у қатъий белгиланган солиқни эмас, балки даромадлар тўғрисидаги декларация асосида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини тўлаши мумкинми? У асосий бўлмаган иш жойидан олинган даромадлардан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари учун ажратмалар қилмаслик ҳуқуқига эгами?***

**Газетхон.**

– Мазкур ҳолда шахс даромадлар тўғрисидаги декларацияга асосан жисмоний шахснинг даромад солиғини тўлай олмайди, чунки Солиқ кодексининг 370-моддасига мувофиқ якка тартибдаги тадбиркор қатъий белгиланган солиқ тўловчисидир.

Солиқ кодекси 373-моддаси биринчи қисмининг 5-бандига мувофиқ у қатъий белгиланган солиқни тўлаш билан бир қаторда бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадалларини тўлаши керак. Юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларнинг меҳнат стажини ҳисобга олиш ва уларнинг бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига бадаллар ажратиши тартибининг *(Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 24 августдаги 351-сон қарори билан тасдиқланган)* 2-банди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси тўғрисидаги низом *(Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 октябрдаги 490-сон қарори билан тасдиқланган)* 27-бандининг «а» кичик банди мазмунидан келиб чиқадики, якка тартибдаги тадбиркор кўрсатилган суғурта бадалларининг мажбурий тўловчиси ҳисобланади.


***Ада ЦОЙ,***
***«Norma» МЧЖ***
***эксперт-юристи.***


## АҚШ ДОЛЛАРИ ВА ЕВРОНИНГ ВАКОЛАТЛИ БАНКЛАР ТОМОНИДАН АЙИРБОШЛАШ ШОХОБЧАЛАРИДА

***2008 йил 15 апрель ҳолатига ўзбек сўмига нисбатан жорий этилган курси***

| Банк номи | АҚШ доллари | | Евро | |
|---|---|---|---|---|
| | харид | сотув | харид | сотув |
| ЎзР ТИФ МБ | 1314,00 | 1316,00 | 2037,00 | 2067,00 |
| "Асака" банки | 1314,00 | 1316,00 | 2052,00 | 2057,00 |
| "Ўзсаноатқурилишбанки" | 1315,00 | 1317,00 | 2053,00 | 2067,00 |
| "Пахта Банк" | 1315,00 | 1317,00 | 2060,00 | 2065,00 |
| "Халқ банк"и | 1314,00 | 1316,00 | 2052,00 | 2064,00 |
| "Ипотекабанк" | 1315,00 | 1317,00 | 2052,00 | 2057,00 |
| "Микрокредитбанк" | 1315,00 | 1317,00 | 2070,00 | 2074,00 |
| АБН АМРО банк МБ Ўзбекистон А.Ж. | 1314,00 | 1317,00 | 2079,00 | 2085,00 |
| "UzKDBбанк" | 1315,00 | 1317,00 | 2052,00 | 2070,00 |
| "Ғаллабанк" | 1315,00 | 1317,00 | 2052,00 | 2061,00 |
| "Трастбанк" | 1315,00 | 1317,00 | 2052,00 | 2062,00 |
| "Алп Жамол банк" | 1314,00 | 1316,00 | 2061,00 | 2066,00 |
| "Алоқабанк" | 1315,00 | 1317,00 | 2053,00 | 2084,00 |
| "Ў-Т банк" | 1314,00 | 1317,00 | 2052,00 | 2075,00 |
| "Туронбанк" | 1312,00 | 1314,00 | 2040,00 | 2070,00 |
| Ўзбекистон-Германия "Савдогар" АТБ | 1314,00 | 1317,00 | 2052,00 | 2070,00 |
| "Ипак йўли" банки | 1315,00 | 1317,00 | 2020,00 | 2045,00 |
| "Туркистон" банк | 1315,00 | 1317,00 | 2050,00 | 2055,00 |
| "Даврбанк" | 1314,00 | 1317,00 | 2052,00 | 2075,00 |
| "Кредит-Стандарт" банки | 1315,00 | 1317,00 | 2052,00 | 2082,00 |
| "Капитал банк" | 1315,00 | 1317,00 | 2052,00 | 2082,00 |
| "Содерат банк" | 1314,00 | 1316,00 | 2037,00 | 2067,00 |
| "Универсалбанк" | 1314,00 | 1317,00 | 2068,00 | 2073,00 |
| "Парвинабанк" | 1314,00 | 1317,00 | 2053,00 | 2056,00 |
| "Равнақбанк" | 1314,00 | 1316,00 | 2037,00 | 2067,00 |

***"Банк ахборотномаси" 17 (624)-сон 2008 йил 16 апрель.***


ЎЗБЕКИСТОН САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ ҲУЗУРИДАГИ ҲАКАМЛИК СУДИ

рг_7-47-03

ЎЗБЕКИСТОН САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ ҲУЗУРИДАГИ ҲАКАМЛИК СУДИ

ТЕЗКОР! ТЕЖАМЛИ! МАЛАКАЛИ! ИШОНЧЛИ!

- **Хўжалик низосини тез ҳал этиш** (низони фақат битта инстанцияда энг қисқа муддатда кўриб чиқиш)
- **Иш кўришнинг тежамлилиги** (низони ҳал этишга алоқадор тарафларнинг кам чиқим қилиши)
- **Судьяларнинг малакаси** (судьяни тарафлар энг тажрибалилари орасидан танлаб оладилар)
- **Мобиллик** (низони Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг исталган жойида кўриб чиқиш имконияти)
- **Ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг түгаллиги** (ҳал қилув қарори устидан давлат судига низо моҳиятига кўра шикоят бериш мумкин эмас)
- **Ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг мажбурий ижро этилиши,** Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан кафолатланган (давлат судлари ҳал қилув қарорларини ижро этиш учун белгиланган тартибда)

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги ҳакамлик суди

Ўзбекистон Республикаси, 100047, Тошкент ш., Бухоро кўч., 6. Телефон (+998-71) 2394329 Факс (+998-71) 2320903. Web-site: www.chamber.uz, e-mail: sud@chamber.uz

# АККРЕДИТИВ ОЧИЛГАН. ТОВАРНИ ЮКЛАНГ

- ***Аккредитивларга доир ташқи савдо битимлари бўйича ҳақ тўлаш***
- ***Аккредитивнинг афзалликлари***
- ***Ушбу ҳақ тўлаш шаклининг камчиликлари ва муаммолари***

ТАШҚИ савдо битимлари бўйича ҳақ тўлаш шаклларидан бири аккредитив шакли ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида низомнинг *(МБ бошқарувининг АВ томонидан 2002 йил 15 апрелда 1122-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган)* 55-бандига кўра ҳисоб-китобларнинг аккредитив шаклида, мижознинг (тўловчининг) топшириғига кўра ва унинг кўрсатмасига мувофиқ аккредитив очган банк (эмитент банк), ўз зиммасига унинг контрагенти – маблағ олувчи фойдасига тўловни амалга ошириш мажбуриятини ёки маблағ олувчи томонидан аккредитивда кўзда тутилган ҳужжатларни ва бошқа шартларни бажариш шарти билан ушбу тўловларни амалга ошириш бўйича ваколатларни бошқа банкка тақдим этишни олади. Аккредитивнинг амал қилиш муддати ва унга доир ҳисоб-китоблар қилиш тартиби тўловчи ва пул маблағларини олувчи ўртасидаги шартномада белгиланади.

Юқорида айтилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатнинг 57-бандига мувофиқ аккредитивлар **қопланган** (депонентланган) ёки **қопланмаган** аккредитивлар кўринишида очилиши мумкин. Депонентланган аккредитив очилганида эмитент банк тўловчининг ўз маблағлари ёки унга берилган кредитни эмитент банк мажбуриятининг бутун амал қилиш муддатига ижрочи банк тасарруфига ўтказиши шарт. Агар қопланмаган аккредитив очилса, эмитент банк ижрочи банкда эмитент банк ҳисобрақамини юритувчидан бутун аккредитив суммасини ҳисобдан чиқариш ҳуқуқини ижрочи банкка беради.

Қопланган ва қопланмаган аккредитивлар чақириб олинадиган ва чақириб олинмайдиган бўлиши мумкин.

***Чақириб олинадиган аккредитив*** эмитент банк томонидан маблағларни олувчини олдиндан хабардор қилмасдан ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин. Чақириб олинадиган аккредитив шартларини ўзгартириш тўғрисидаги барча фармойишларни тўловчи маблағларни олувчига фақат эмитент банк орқали бериши мумкин, у эса ижрочи банкни, ушбу банк эса, тегишинча, олувчини хабардор қилади. Агар чақириб олинадиган аккредитив бўйича тўлов ва бошқа операцияларни амалга ошириш пайтига келиб ижрочи банк томонидан аккредитив шаклларни ўзгартириш ёки уни бекор қилиш тўғрисида билдирувнома олинмаган бўлса, банк уларни амалга ошириши керак. ***Чақириб олинмайдиган аккредитив унинг фойдасига*** очилган маблағларни олувчининг розилигисиз ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин эмас.

Ташқи савдо битимлари бўйича ҳақ тўлаш учун ҳисоб-китобларнинг аккредитив шаклидан фойдаланилганида, одатда, халқаро ҳуқуқ меъёрлари, яъни 1994 йил 1 январда кучга кирган Ҳужжатли аккредитивлар учун бирхиллаштирилган қоидалар ва одатларнинг *(Халқаро савдо палатаси томонидан 1993 йилда 500-сон билан чоп этилган)* қоидалари қўлланади. Бунда шуни ҳисобга олиш лозимки, тадбиркорлик субъекти томонидан ташқи савдо контрактига Бирхиллаштирилган қоидаларга мувофиқ ҳисоб-китобларнинг аккредитив шакли тўғрисидаги шартларнинг киритилиши ҳали тарафлар ўртасида вужудга келган низолар мазкур ҳужжатга мувофиқ кўриб чиқилишини билдирмайди. Бунинг учун шартномада улар ўртасида вужудга келган барча низолар Халқаро савдо палатаси арбитражида юқорида кўрсатилган қоидаларга мувофиқ кўрилиши кераклиги хусусида қайд берилиши зарур.

Аккредитив қандай ишлайди?

***1-босқич.*** Мазкур босқичда сотувчи ва харидор ўртасида ташқи савдо контрактини тузиш чоғида қуйидагилар келишиб олинади:

– товар етказиб бериш нархи ва шартлари;

– юклаб жўнатиш даври;

– товар баёни, тавсифи;

– ҳисоб-китоблар валютаси;

– товарни жўнатиш усули;

– аккредитив очиш учун талаб қилинадиган ҳужжатлар;

– аккредитив очиш тўғрисида у орқали хабар юбориладиган сотувчи банкининг номи;

– сотувчи ёки харидор қиладиган банк харажатлари.

***2-босқич.*** Ушбу босқичда:

– харидор (буйруқ берувчи) эмитент банк номига аккредитив очишга ариза тайёрлайди;

– эмитент банк сотувчи банкини (авизо берувчи банкни) аккредитив очилиши тўғрисида хабардор қилади;

– сотувчи банки сотувчига унинг номига аккредитив очилгани тўғрисида хабар юборади (авизолайди).

***3-босқич.*** Ўз банкидан аккредитив очилиши тўғрисида хабар олиб, сотувчи товарни харидорга юклаб жўнатади.

***4-босқич***. Ушбу босқичда:

– барча ҳужжатларни (БЮД, товар сифати сертификатлари, инвойслар ва ҳоказо) сотувчи аккредитив шартларига мувофиқ авизолайдиган банкка (сотувчи банкига) топширади;

– ҳужжатларни текшириб, сотувчи банки уларни эмитент банкка юборади. Эмитент банк харидорни ҳужжатларнинг келиб тушганлигидан хабардор қилади.

***5-босқич.*** Якуний деб аташ мумкин бўлган ушбу босқичда:

– харидор тўлашга ўз розилигини беради, эмитент банк маблағни харидорнинг махсус аккредитив ҳисобрақамидан ҳисобдан чиқаради ва пулларни сотувчи банкига ўтказади;

– сотувчи банки пул маблағларни сотувчига ўтказади.

ҲИСОБ-КИТОБ аккредитив шаклининг афзалликлари шундан иборатки, у қуйидагиларга имкон яратади:

– тез-тез учрайдиган, сотувчи (етказиб берувчи) унга ҳақ тўлаш кафолати бўлмаса товарни юклаб жўнатишдан бош тортадиган, харидор эса ўз навбатида унга етказиб беришларига ишонч ҳосил қилмагунча товарга ҳақ тўлашдан бош тортадиган вазиятлардан халос бўлиш;

– иккала тараф учун битимлар бўйича хатарларни имкони борича камайтириш. Эмитент банк (тўловчи банки) маблағ олувчи аккредитивнинг барча шартларига мувофиқ келадиган ҳужжатларни тақдим этгач, унинг фойдасига тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олади. Бу эса қуйидагиларни кафолатлайди: пул маблағлари ҳаракатининг эмитент банк ва авизолайдиган банк томонидан тўлиқ назорат қилиниши; тақдим этилаётган ҳужжатларнинг мустақил ва ваколатли банк мутахассислари томонидан синчиклаб текширилиши; ижрочи банкка тўловни олувчи томонидан аккредитив шартлари бажарилганлиги ҳужжатли тасдиғи тақдим этилганидан кейин битим бўйича ҳисоб-китоблар қилиш.

Кўрсатилганларидан ташқари, ҳисоб-китобларнинг ушбу шакли харидор учун товарга олдиндан ҳақ тўлаш заруратини истисно қилади. Товар учун ҳақ тўлаб, у товарни олишидан шубҳаланмаса бўлади, чунки банк аввало товар сотувчи томонидан юклаб жўнатилганлиги тўғрисидаги барча ҳужжатларни қабул қилади ва текширади, фақат шундан кейингина пул ўтказади.

ҲИСОБ-КИТОБЛАР аккредитив шаклининг камчиликларидан қуйидагиларни қайд этиш мумкин:

– **сотувчи учун** унинг ноқулайлиги шундаки, товарни юклаб жўнатишни аккредитив қўйиш вақтига боғлиқ қилиб қўяди. Бу эса ҳар доим ҳам транспорт воситалари ва омборхоналардан режали фойдаланиш имконини беравермайди. Бундан ташқари, у баъзан оборот маблағларининг айланувчанлигини секинлаштиради;

– **харидор учун** кўрсатилган шакл оборотдан пул маблағлари бир қисмини узоқ вақтга олиб қўйиш билан боғлиқ, бу эса кўп ҳолларда номақбулдир.

Аккредитивлардан фойдаланаётганда муаммо ва низоларга йўл қўймаслик учун ҳисоб-китоблар мазкур шаклининг бир қадар ўзига хослигини ҳисобга олиш керак. Мисол сифатида яқинда хўжалик суди кўриб чиққан бир низони келтирамиз.

*Маҳаллий корхона (харидор) ва хорижий тадбиркорлик субъекти (сотувчи) товар харидига импорт контракти тузиб, ҳисоб-китобларнинг аккредитив шаклини танладилар. Тарафлар томонидан контракт шартлари бажарилиб, банк томонидан ҳақ тўлангач товар сотувчидан харидорга ўтди. Харидор товарнинг сифати пастлиги ва миқдори тўлиқ эмаслигини аниқлаб, банкка эътироз билдириб унинг устидан судга даъво аризаси берди, даъвода банк гўё импорт контракти бўйича тараф ҳисобланиши ва сотувчига тўлов тўламаслиги кераклигини сабаб сифатида келтирди, чунки у контракт шартларини лозим даражада бажармай, харидорга товарни паст сифатда ва тўлиқ бўлмаган миқдорда топширган.*

Мазкур ҳолда харидор хатога йўл қўйган. Ташқи савдо битимлари бўйича ҳисоб-китобларнинг аккредитив шаклида банк контракт бўйича тараф ҳисобланмайди*, балки товар ҳақини тўлаш учун пул маблағларини ўтказиш билангина шуғулланади ва товар лозим даражада ва тўлиқ бутликда етказиб берилишини кузатишга мажбур эмас. Шунингдек банк, башарти олиш пайтида харидор нуқсонларни аниқламаган ва қабул қилиш-топшириш ҳужжатларини белгиланган тартибда расмийлаштирган бўлса, кейинроқ унинг паст сифатлилиги ёки тўлиқ етказиб берилмаганлигини аниқласа, товар учун пул маблағларини ўтказишга жавобгар бўлмайди.

Бундай ишларни кўраётганда хўжалик судлари тадбиркорлик субъектларининг талабларини қондиришни рад этадилар, чунки улар мамлакатимизнинг амалдаги қонун ҳужжатларига ҳам, халқаро меъёр ва қоидаларга ҳам мувофиқ келмайди. Бундай вазиятлар вужудга келмаслиги учун товар импортчиси уни ўз вакиллари иштирокида қабул қилиб, товарнинг барча камчиликлари ва камомадларини қабул қилиш-топшириш далолатномасида қайд этиши керак бўлади. Товарнинг сифати пастлиги ёки тўлиқ етказиб берилмаганлиги аниқланган тақдирда бу хусусдаги эътирозлар банкка эмас, балки товарни сотувчига айтилиши керак. Банк аккредитивни бажариш шартларини бузганда, хусусан, сотувчи аккредитив шартлари бажарилганлигини тасдиқлаш учун тақдим этган барча ҳужжатларни текширмай ёки пулни товар ҳақини тўлаши учун ўтказишга харидорнинг узил-кесил розилигини олмасдан уни сотувчига ўтказганда эса банкка эътироз билдириш мумкин. Бундай ҳолларда товар харидори судга банкнинг ноқонуний ҳаракатлари билан унга етказилган зарарни ундириш тўғрисида мурожаат қилиши мумкин.

Амалиётнинг кўрсатишича, ташқи савдо битимлари бўйича ўзаро ҳисоб-китобларда ҳисоб-китобларнинг аккредитив шакли – корхоналар афзал кўрадиган ва энг кўп фойдаланадиган шакллардан биридир. Ички бозорга келсак, бу ерда тадбиркорлик фаолияти субъектлари уни амалда қўлламайдилар, балки олдиндан ҳақ тўлаш шарти билан битимлар тузадилар. Буни асосан олдиндан ҳақ тўлашдан фойдаланиладиган ўзаро ҳисоб-китоблар механизми анча соддалиги, қўшимча ҳужжатларни расмийлаштиришни талаб қилмаслиги тақозо этган. Аккредитив шакл эса, ундан фарқли равишда, бир қадар мураккаблашган (аккредитив очишга алоҳида ариза бериш зарур ва ҳоказо). Ҳолбуки тўлов топшириқлари билан ҳисоб-китоблар шартномаларни бажаришнинг оддий стандарт чизмаларида яхши (масалан, «қисман олдиндан ҳақ тўлаш – товарларнинг тўлиқ ҳажмини етказиб бериш – қолган суммани тўлаш» ёки «юз фоиз олдиндан тўлаш – товарларни тўлиқ суммада етказиб бериш» чизмаси бўйича одатдаги товарлар олди-сотди шартномалари бўйича). Туркумларга бўлиш, товарларни етказиб беришнинг хилма-хил муддатлари, шартлари ва усуллари билан, шу жумладан ташувчилар ва транспорт экспедиторлари иштирокида, турли йўналишлар ва ҳоказолар бўйича етказиб беришларнинг йирик ҳажмларини назарда тутадиган узоқ муддатли шартномалар тузилганда эса битимда иштирок этадиган ҳар бир контрагентнинг манфаатларига риоя қилинишини кафолатлайдиган ҳисоб-китобларнинг янада ишончлироқ шаклини қўллашга эҳтиёж вужудга келади. Аккредитив шаклни айни шундайларга киритиш мумкин.

***Артём АДЕЕВ,***
***«NORMA» МЧЖ эксперт-юристи.***

* *500-сон Ҳужжатли аккредитивлар учун бирхиллаштирилган қоидалар ва одатлар 3-моддасининг «а» банди.*




*Хориж қонунчилигидаги янгиликлар*

## ЯККА ТАРТИБДА ЧЕКЛАШЛАР

2008 йил 1 январдан бошлаб Белгород вилоятида якка тартибдаги тадбиркорлар патент асосидаги солиқ солишнинг соддалаштирилган тизимидан солиқ солишнинг соддалаштирилган тизимининг умумий тартибига ва аксинча ўтишлари учун патент берилган даврнинг тугаши талаб этилади. Бироқ патент асосидаги соддалаштирилган тизимда ишловчи тадбиркорлар солиқ органларига декларация тақдим этмайдилар.

Соддалаштирилган тизимни қўллаш ҳуқуқини йўқотганлиги ва солиқ солишнинг бошқа режимига ўтаётгани ҳақида у 15 календарь кун мобайнида солиқ органини хабардор қилиши лозим. Патент асосида соддалаштирилган тизимга ўтиш учун эса мазкур ҳуқуқ йўқолганидан кейин 3 йил ўтиши талаб этилади.

## НАҚД ПУЛ МУОМАЛАСИНИНГ ЯНГИ ҚОИДАЛАРИ

Белоруссия Миллий банки Нақд пул муомаласини ташкил этишнинг янги қоидаларини тасдиқлади. Ҳужжатда назорат қилувчи органлар томонидан юридик шахслар, тадбиркорлар, хусусий нотариусларнинг касса операцияларини юритиш қоидалари ва нақд пул билан ҳисоб-китоб қилиш тартибига риоя этишларини текширишга доир талаблар ўз аксини топган.

Асосий янгилик шундан иборатки, ўз иштирокчиларига молиявий ёрдам кўрсатувчи матлубот кооперативларига нақд пул маблағлари тушумини 50 фоиздан ортиқ миқдорда жисмоний шахсларга қарз беришга сарфлаш ҳуқуқи берилади. Мазкур меъёр қолган юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар учун белгиланган. Бу эса фуқароларнинг, айниқса олис аҳоли пунктлари ва қишлоқ жойлардаги фуқароларнинг молия-кредит ресурсларига эга бўлиш имкониятларини яхшилайди, шунингдек аҳоли бандлигини таъминлашга, норасмий кредитлашни қисқартириш ва бизнес фаолияти ошкоралигини оширишга ёрдам беради деб тахмин қилинмоқда.

## ДАНИЯ ЎЗ СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАРИ УЧУН ҒАМ ЕМОҚДА

Дания ҳукумати жами солиқларни 1,8 миллиард долларга тенг миқдорда пасайтириш ҳақидаги режаларини маълум қилди. Бюджет йўқотишларини бошқа манбалар тушумлари ҳисобига тўлиқ компенсациялаш режалаштирилмоқда. Солиқларни пасайтириш дастурининиг асосини ҳукуматнинг солиқ солинмайдиган даромадларнинг энг кам ставкасини ошириш қарори ташкил этади. Дарвоқе, мамлакат ҳокимият органлари солиқ юкини бадавлат фуқаролар зиммасига юклаб қўймоқчи эмас: мазкур миқдор ўрта тоифа ва янада таъминланган солиқ тўловчилар учун ҳам оширилади.

2001 йилдан бери ўзгармай келаётган экология солиғи ставкалари эса оширилади – улар инфляцияга мувофиқлаштирилади. Маъмурлар мазкур қарор "яшнаётган жамиятни ҳимоя қилади", деб ишонч билдирмоқдалар.

***Хорижий матбуот саҳифаларидан.***

# ЯККА ТАРТИБДАГИ ТАДБИРКОР: ЎЗИГА ХОС ЁНДАШУВ

**?** ***Корхонамиз ишлаб чиқариш заруратi боис ишларни бажариш (хизматлар кўрсатиш) учун якка тартибдаги тадбиркорларни жалб этади. Улар билан контракт тузаётганда нималарга эътибор бериш зарурлигини айтсангиз. Якка тартибдаги тадбиркорларга солиқ солишнинг қандай хусусиятлари мавжуд?***

**Н.Солиев,**
**фирма директори.**

– Якка тартибдаги тадбиркор билан контракт тузаётганда даставвал у мазкур фаолият тури билан шуғулланиш ҳуқуқига эга ёки эга эмаслигини аниқлаб олиш лозим.

Амалдаги қонун ҳужжатларида фақат юридик шахс шаклида ташкил этилган тадбиркорлик субъектлари амалга оширадиган айрим фаолият турларининг рўйхати белгиланган *(жадвалга қаралсин)*. Яъни уларнинг якка тартибдаги тадбиркор томонидан амалга оширилиши тақиқланган.

Бундан ташқари, лицензияланадиган шундай фаолият турлари ҳам мавжудки, уларнинг юридик шахсни ташкил этмаган якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан амалга оширилиши қонунга мувофиқ тақиқланган. Уларга қуйидагилар киради:

- фармацевтик фаолият (ўсимликлар, ҳайвонлардан олинган ва минерал таркибли дори хом ашёсини етиштириш, йиғиш, тайёрлаш, қадоқлаш ва улгуржи сотишдан ташқари);
- қурол-яроғ ва унга ўқ-дорилар, ҳимоя воситалари, ҳарбий техника, агар улардан бошқа тармоқларда фойдаланилмаса, уларнинг эҳтиёт қисмлари, бутловчи элементлари ва приборлари, шунингдек уларни ишлаб чиқариш учун махсус материаллар ва махсус ускуналарни ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва реализация қилиш;
- портловчи ва заҳарли моддалар, улар қўлланилган материаллар ва маҳсулотлар, шунингдек портлаш воситаларини яратиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва реализация қилиш;
- жанговар заҳарловчи моддалардан ҳимоя қилиш воситаларини ишлаб чиқариш ва реализация қилиш;
- бўшатиб олинаётган ҳарбий-техник воситаларни тугатиш (йўқ қилиш, утиллаштириш, кўмиш) ва қайта ишлаш;
- ов ва спорт ўқотар қуроли ва унга ўқдорилар, шунингдек совуқ қуролни (миллий турдаги пичоқлардан ташқари) ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва реализация қилиш;
- ёнғинга қарши автоматика воситаларини қўриқлаш, ёнғиндан дарак берувчи ва ёнғиндан сақловчи сигнализацияларни лойиҳалаш, монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш;
- ионли нурланиш манбалари билан ишлаш соҳасида илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари, ионли нурланиш манбаларини лойиҳалаш, барпо этиш ва уларга хизмат кўрсатиш, улар учун технологик ускуна, радиацион ҳимоя воситаларини конструкциялаш ва тайёрлаш;
- ионли нурланиш манбаларини кавлаб олиш, ишлаб чиқариш, ҳосил қилиш, қайта ишлаш, ишлатиш, сақлаш, уларга қараш, ташиш, зарарсизлантириш, утиллаштириш ва кўмиш;
- магистрал газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулоти қувурларини лойиҳалаш, қуриш, улардан фойдаланиш ва таъмирлаш;
- ягона энергетик тизимга уланадиган турғун электр станцияларда электр энергияси ишлаб чиқариш;
- наркотик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорларни олиб кириш (олиб чиқиш), сақлаш, реализация қилиш (сотиш), тақсимлаш, ташиш, ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқариш, тайёрлаш, йўқ қилиш, наркотик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорлардан илмий ва ўқув мақсадларида, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун, шу жумладан тиббиёт ва ветеринарияда фойдаланиш;
- таркибида наркотик бўлган ўсимликларни етиштириш;
- кўприк ва тоннелларни лойиҳалаш, қуриш, фойдаланиш ва таъмирлаш;
- мудофаа объектларини лойиҳалаш, қуриш, фойдаланиш ва таъмирлаш;
- хатар даражаси юқори ва потенциал хавфли ишлаб чиқаришларни лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланиш;
- архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш;
- қурилиш лойиҳалари экспертизасини ўтказиш;
- саноат альпинизми усуллари билан баландликларда таъмирлаш, қурилиш-монтаж ишларини бажариш;
- ички ва халқаро йўлларда темирйўл транспортида йўловчи ва юкларни ташиш;
- авиация ишларини бажариш;
- ички ва халқаро ҳаво линияларида йўловчи ва юкларни ташиш;
- автомобиль транспортида йўловчиларни шаҳар, шаҳар атрофи, шаҳарлараро ва халқаро йўналишларда ташиш;
- телекоммуникацияларнинг маҳаллий тармоқларини лойиҳалаш, қуриш, фойдаланиш ва уларга хизматлар кўрсатиш;
- телекоммуникацияларнинг шаҳарлараро тармоқларини лойиҳалаш, қуриш, фойдаланиш ва уларга хизматлар кўрсатиш;
- телекоммуникацияларнинг халқаро тармоқларини лойиҳалаш, қуриш, фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш;
- кўчма радиотелефон алоқаси тармоқларини лойиҳалаш, қуриш, фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш;
- шахсий радиочақирув тармоқларини лойиҳалаш, қуриш, фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш;
- маълумотларни узатиш тармоқларини лойиҳалаш, қуриш, фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш;
- телерадиокўрсатув ва эшиттиришларини тарқатиш (трансляция қилиш) тармоқларини лойиҳалаш, қуриш, фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш;
- нефть, газ ва газ конденсатини кавлаб олиш, қайта ишлаш ва реализация қилиш;
- қимматбаҳо ва нодир ер металлари, қимматбаҳо тошларни кавлаб олиш;
- нефть маҳсулотлари (автобензин, авиабензин, экстрабензин, дизель ёқилғиси, авиакеросин, мазут, печка ёқилғиси, нефть битуми), шунингдек техник мойлар ва мойлаш материалларини реализация қилиш;
- этил спирти ва алкоголли маҳсулот ишлаб чиқариш;
- адвокатлик фаолияти;
- лотереяларни ташкил қилиш;
- кредит уюшмаларининг фаолияти;
- ломбардлар фаолияти;
- аудиторлик фаолияти;
- суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг суғурта фаолияти;
- қимматли қоғозлар бланкаларини тайёрлаш;
- банклар, бошқа юридик ва жисмоний шахслар томонидан чет эл валютасида операциялар ўтказиш;
- банк фаолияти;
- қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолият (қимматли қоғозлар бозорида инвестиция институтлари фаолияти), бундан инвестиция воситачиси ва инвестиция маслаҳатчисининг профессионал фаолияти мустасно;
- нотариал фаолият;
- микрокредит ташкилотлари фаолияти;
- тамаки хом ашёсини ферментациялаш ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш;
- улгуржи савдо;
- туристик фаолият;
- биржа фаолияти;
- грампластинкалар, аудиокассеталар ва лазер дискларни ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, ёзиш, кўпайтириш ва реализация қилиш;
- кино-, видеофильмлар ва дастурларни кўпайтириш, дубляж қилиш ва реализация қилиш;
- бадиий ва хроникал-ҳужжатли, илмий-оммабоп, манзарали, мультипликацион кино, видеофильмлар ва дастурларни ишлаб чиқариш;
- диний таълим муассасаларининг фаолияти;
- нодавлат таълим муассасаларининг фаолияти;
- ноширлик фаолияти;
- энергетик текширувлар ва экспертизаларни ўтказиш;
- таркибида қимматбаҳо ва рангли металлар, қимматбаҳо тошлар бўлган иккиламчи ресурслар ва чиқиндиларни тайёрлаш ҳамда қайта ишлаш;
- геодезик ва картографик фаолият;
- «эркин омбор» божхона режимида омборни таъсис этиш;
- бож тўламасдан савдо қилинадиган дўконни таъсис этиш;
- божхона омборини таъсис этиш.

Агар сиз якка тартибдаги тадбиркорга топширмоқчи бўлган иш (хизмат) тадбиркорлик фаолиятининг юқорида саналган турларига кирмаса, шунингдек юридик шахсни ташкил этмаган якка тартибдаги тадбиркор давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома унга шу ишлар (хизматлар)ни бажаришга берилган бўлса, у билан шартнома тузиш мумкин.

Солиқ кодексининг 169-моддасига мувофиқ якка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятидан олинган, қатъий белгиланган солиқ солинадиган даромадлар жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг солиқ солиш объекти бўлмайди. Қатъий белгиланган солиқни солиқ тўловчи ҳисобга олинган жойдаги солиқ органи ҳисоблаб чиқаради. Якка тартибдаги тадбиркорлар бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадалларини ҳам мустақил равишда тўлайдилар *(Солиқ кодексининг 311-моддаси)*.

***Рукнни Очил ГАНИЕВ***
***олиб боради.***

## ФАҚАТ ЮРИДИК ШАХСЛАР ТОМОНИДАН АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ ТУРЛАРИ

| Т/р | Фаолият тури | Асос |
|---|---|---|
| 1 | Қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган буюмлар ёки ана шундай материаллар қўлланган буюмларни сотиб олиш ва сотиш | ВМнинг 2002 йил 5 ноябрдаги 380-сон қарори* |
| 2 | Муҳр ва штамплар тайёрлаш | ВМнинг 2002 йил 5 ноябрдаги 380-сон қарори* |
| 3 | Меҳмонхоналар, отеллар ва кемпинглар ташкил этиш | ВМнинг 2002 йил 5 ноябрдаги 380-сон қарори* |
| 4 | Капитал қурилиш, қурилиш-монтаж ишлари бўйича юридик шахсларга хизматлар кўрсатиш | ВМнинг 2002 йил 5 ноябрдаги 380-сон қарори* |
| 5 | Лойиҳа, лойиҳа-конструкторлик фаолияти ва лойиҳалар ҳамда сметалар экспертизадан ўтказиш | ВМнинг 2002 йил 5 ноябрдаги 380-сон қарори* |
| 6 | Барча турдаги нефть маҳсулотларини сотиш | ВМнинг 2002 йил 5 ноябрдаги 380-сон қарори* |
| 7 | Улгуржи савдо | ВМнинг 2002 йил 5 ноябрдаги 380-сон қарори* |
| 8 | Умумий овқатланиш соҳасида хизматлар кўрсатиш (уй шароитида ёки жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг қарори билан махсус ажратилган жойларда ўтириш ўринларини ташкил этмасдан доналаб сотиладиган таомларнинг айрим турларини тайёрлаш ва сотиш бўйича хизматлар бундан мустасно) | ВМнинг 2002 йил 5 ноябрдаги 380-сон қарори* |
| 9 | Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимларига, рақамли дастур билан бошқариладиган прецизион ва дастгоҳли ускуналарнинг радиоэлектрон аппаратларига техник хизмат кўрсатиш ҳамда уларни таъмирлаш | ВМнинг 2002 йил 5 ноябрдаги 380-сон қарори* |
| 10 | Телекўрсатувларни тарқатиш (трансляция қилиш) – кабель тармоғи орқали телерадиодастурларни қайта трансляция қилиш тармоқларига хизматлар кўрсатиш, шунингдек телекоммуникациялар тармоғидан фойдаланиш ва телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш | ВМнинг 2002 йил 5 ноябрдаги 380-сон қарори* |
| 11 | Биржаларда брокерлик фаолияти | ВМнинг 2002 йил 5 ноябрдаги 380-сон қарори* |
| 12 | Тижорат асосида автомобиль транспортида йўловчиларни шаҳар, шаҳар атрофи, шаҳарлараро ва халқаро йўналишларда ташиш фаолияти | ВМнинг 2002 йил 5 ноябрдаги 380-сон қарори* |
| 13 | Тамаки хом ашёсини ферментлаш, тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш | ВМнинг 2002 йил 5 ноябрдаги 380-сон қарори* ва Айрим турдаги акцизли товарларни ишлаб чиқариш ва сотишнинг ҳисоби тизими тўғрисида вақтинчалик низом** |
| 14 | Аҳолига ўсимлик ёғи сотиш | ВМнинг 2002 йил 5 ноябрдаги 380-сон қарори* |
| 15 | Алкоголли маҳсулот сотиш | ВМнинг 2002 йил 5 ноябрдаги 380-сон қарори* |
| 16 | Янги енгил автомобилларни сотиш | Айрим турдаги акцизли товарларни ишлаб чиқариш ва сотишнинг ҳисоби тизими тўғрисида вақтинчалик низом** |
| 17 | Солиқ маслаҳати | "Солиқ маслаҳати тўғрисида"ги Қонун*** |

---

** Вазирлар Маҳкамасининг «Тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари билан шуғулланишни тартибга солиш тўғрисида» 2002 йил 4 июндаги 197-сон қарорига қўшимчалар киритиш ҳақида» қарори.*

*** ИВ, МВ, ДСҚ ва МБ бошқарувининг АВ томонидан 2004 йил 26 июлда 1390-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган.*

**** 2006 йил 21 сентябрь, ЎРҚ-55-сон.*

***Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2008 йил 2 апрелдаги тушунтириш хатига кўра («Норма маслаҳатчи»нинг 2008 йил 11 апрелдаги 15 (144)-сонида чоп этилган), солиқ солинадиган база (Солиқ кодексининг 170-моддаси) солиқ солишнинг белгиланган объектидан келиб чиқиб белгиланишини ҳисобга олиб, якка тартибдаги тадбиркор хўжалик юритувчи субъектлар учун хизматлар кўрсатилиши ва ишлар бажарилишидан оладиган даромадлар ягона ижтимоий тўлов бўйича солиқ солинадиган базага киритилмайди ва ушбу даромадлардан фуқароларнинг суғурта бадаллари ушланмайди.***



**Баъзан ходимлар билан муаммолар ва ихтилофларни ҳал қилиш жуда мушкул бўлади. Кадрлар билан боғлиқ ишларни юритиш, ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатиш, бошқа ишга ўтказишлар, ўриндошлик, иш ҳақи, таътил пули тўлаш, интизомий жазони қўллаш – булар раҳбар доимо тўқнаш келаётган масалаларнинг бор-йўғи бир қисми.**




# ҚОНУНИЙ ИШДАН БЎШАТИШ

Амалдаги Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномасини ҳам, муддати тугагунга қадар муддатли меҳнат шартномасини ҳам иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш асосли бўлишини талаб қилади. Ходимни ишдан қонуний бўшатишнинг сабабларидан бири унинг малакаси етарли бўлмаганлиги ёки соғлиғи ҳолатига кўра бажараётган ишига нолойиқ бўлиб қолиши ҳисобланади *(МК 100-моддаси иккинчи қисмининг 2-банди).*

### МАЛАКАСИЗ ХОДИМНИ ИШДАН БЎШАТАМИЗ

Қуйидагилар малаканинг етарли эмаслиги далиллари бўлиши мумкин:

– меҳнат мажбуриятларини бажармаганлик учун интизомий жазо бериш тўғрисида буйруқлар;

– тегишли маълумот тўғрисида ҳужжатнинг йўқлиги (масалан, бухгалтерда – бухгалтерия ҳисоби курсларини тугатганлик тўғрисида гувоҳнома ёки «Бухгалтерия ҳисоби» ихтисослиги бўйича дипломнинг йўқлиги);

– ходимни аттестациялаш натижалари.

Охирги ҳолатга батафсилроқ тўхтаймиз. Кейинги вақтда корхоналарда ходимлар аттестациясидан ходимлар билан ишлашнинг энг самарали механизмларидан бири сифатида борган сари фаолроқ фойдаланилиб, кадр сиёсатининг ажралмас қисмига айланмоқда.

Ҳар қандай фирма ўз ходимларини аттестациядан ўтказиш ҳуқуқига эга. Уни ўтказиш тартиби ва даврийлигини иш берувчи белгилайди. Бироқ ходимларнинг баъзи бир тоифалари учун қонун мажбурий аттестацияни назарда тутади. Булар: соғлиқни сақлаш, таълим, коммунал хизмат кўрсатиш ва баъзи бир бошқа тизимларнинг раҳбар ходимлари; давлат таълим муассасаларининг педагоглари ва ходимлари, илмий ходимлар; давлат хизматчилари; ҳуқуқни муҳофаза қилиш, прокуратура ва суд органларининг ходимлари; назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари, фаолияти озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимлик сув ва бошқа нарсаларни ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ва сотиш билан боғлиқ ташкилотларнинг раҳбарлари ва ходимлари; патент бўйича ишончли вакиллар; аудиторлар; юридик хизматларнинг ходимлари; технологик нефть-газ объектлари, нефть базалари, АЁКШ ва ҳоказоларни лойиҳалаш, монтаж қилиш, созлаш ва улардан фойдаланишни амалга оширадиган хўжалик юритувчи субъектларнинг муҳандис-техник ходимлари.

Ходимларни аттестациялашни жорий этиш учун Аттестация тўғрисида низомни тайёрлаш зарур. Ушбу ҳужжат тадбирни тайёрлаш ва ўтказиш тартиби, комиссия аъзолари сони, натижаларни баҳолаш мезонлари ҳамда аттестация оқибатларини белгилайди. Фирмангизнинг фаолият соҳасига мувофиқ келадиган исталган идоранинг аттестация ўтказиш тўғрисидаги низомини асос қилиб олиш мумкин. ***Эътибор беринг:*** агар корхонада Аттестация тўғрисида низом йўқ бўлса, уни ўтказиш ноқонуний бўлади *(Олий суд Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги «Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракти)ни бекор қилишни тартибга солувчи қонунларнинг қўлланиши тўғрисида» 12-сон қарорининг 28-банди).*

### АТТЕСТАЦИЯ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

Аттестация тўғрисида низомни одатда кадр хизмати юрист (юридик бўлими) билан ҳамкорликда ишлаб чиқади, ҳужжатни эса фирма раҳбари тасдиқлайди. Раҳбар кадрлар бўлими ходимлари билан биргаликда навбатдаги аттестациядан ўтадиган ходимлар тоифаларини белгилаши шарт. Сўнгра кадрлар бўлимининг бошлиғи тадбирни ўтказиш жадвалини тузади. Одатда бу календарь йил бошланишигача қилинади. Жадвалда аттестацияланаётган ходимларнинг фамилиялари, исми-шарифлари, лавозимлари, таркибий бўлинмаларнинг номлари, шунингдек аттестация ўтказиш санаси албатта кўрсатилиши керак. Шунингдек аттестация учун зарур ҳужжатларнинг рўйхати ва уларни тайёрлаш ҳамда тақдим этиш учун масъул ходимларнинг фамилияларини кўрсатиш мақбулдир. Жадвални фирма раҳбари ўзининг буйруғи билан тасдиқлайди.

Кадр хизмати ходимларни аттестация жадвали билан олдиндан – камида бир ой олдин таништириши шарт. Кейин фирма раҳбари уни ўтказиш тўғрисида буйруқ чиқаради. У одатда ёзма ва оғзаки кўринишда ўтади. Биринчи навбатда ходимга унинг лавозим мажбуриятларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқариш керак бўлган ёзма тестнинг саволларига жавоб бериш таклиф қилинади. Агар аттестацияланувчи топшириқни уддаласа, комиссия аъзолари бир нечта оғзаки савол бериши мумкин. Аттестация икки соатдан ортиқ вақт ўтказилмаслиги керак. Комиссия ходимнинг касбий ҳамда шахсий хислатларини баҳолайди.

### МЕҲНАТНИ БАҲОЛАНГ

Тест синови мезонлари барча ходимлар учун бир хил бўлиши керак. Аттестация натижалари бўйича комиссия санаб ўтилган баҳолардан бирини беради: *«эгаллаган лавозимига мувофиқ келади», «ишни яхшилаш ва комиссия тавсияларини бажариш шарти билан эгаллаган лавозимига мувофиқ келади», «эгаллаган лавозимига мувофиқ эмас».* Умумий баҳодан ташқари, комиссия фирма раҳбарига айрим ходимларни тақдирлаш, маошларга устамаларни ўзгартириш ёки аксинча, лавозимини пасайтириш, ишдан бўшатиш ва ҳоказолар тўғрисида ўзининг асосланган таклифларини тақдим қилиши мумкин.

Ҳар бир ходимга ўтказилган тадбир якунлари бўйича аттестация варақаси тўлдирилади, сўнгра варақа унинг шахсий йиғмажилдида сақланади. ***Назарда тутинг:*** аттестация комиссиясининг мутахассиснинг ишга доир хислатлари тўғрисидаги хулосаларининг ўзигина ишдан бўшатиш учун етарли эмас. Масалан, яқиндагина фирмага келган ходимни шунга асосланиб ишдан бўшатиш осон эмас. Аввал унинг учун малака ошириш, зарур тажриба ва билим олиш учун барча шарт-шароит яратилганлигини ҳужжатлар билан тасдиқлаш зарур. Булар уни малака ошириш курсларига йўналтириш, унга мураббий тайинлаш ва шу каби буйруқлар бўлиши мумкин. Ходимни ишдан бўшатиш пайтида барча санаб ўтилган ҳужжатлар унинг шахсий йиғмажилдида бўлиши керак.

***Мисол.*** *Дўконнинг сотувчи-кассири ўз ишини уддалай олмади, чунки касса аппарати ва компьютерни ўзлаштира олмади. Дўкон директори уни ишдан бўшатиб, ишдан бўшатиш тўғрисидаги буйруқни ходимнинг айби билан касса аппарати бузилганлиги тўғрисида далолатнома, сотувчи хизмат қилган бўлим мудирининг маърузаномаси ва харидорларнинг ёзма шикоятлари билан мустаҳкамлади. Ана шу ҳужжатларни ўрганиб, меҳнат инспекторлари ходимнинг ишдан бўшатилишини қонуний деб топдилар.* (Иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномасини Меҳнат кодекси 100-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган асосларнинг исталганига кўра бекор қилиш чоғида касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимлар бошқа вакиллик органининг розилиги талаб қилинмайди).

### СОҒЛИҚНИНГ ЁМОН ҲОЛДАЛИГИ

Иш берувчи ходимни у аввалги лавозимини соғлиғининг ҳолатига кўра эгаллай олмайдиган, унинг учун тўғри келадиган иш йўқ бўлган ҳолда ҳам ишдан бўшатишга ҳақли. Ходимнинг соғлиғи ҳолатига кўра бажараётган ишига нолойиқ бўлиб қолиши ишдан бўшатиш учун асос бўлади *(МК 100-моддаси иккинчи қисмининг 2-банди).*

Одатда ходимнинг соғлиғи билан боғлиқ муаммони шифокор навбатдаги тиббий кўрик пайтида аниқлайди*. Нормал ҳолатдан четга чиқишлар ходим банд бўлган иш учун тўғри келмаса, шифокор иш берувчига уни даволаш вақтида ишдан четлатиш тўғрисида тавсия беради. Агар амбулаторияда даволаниш соғлиқни яхшиламаса, ходим текшириш учун стационарга юборилади. Текшириш натижалари бўйича даволаш-профилактика муассасасининг тиббий-маслаҳат бериш комиссияси (ТМБК) ходимни тиббий-меҳнат эксперт комиссиясига (ТМЭК) юбориш ёки унга меҳнат қилишни давом эттиришга рухсат бериш тўғрисида қарор қабул қилади. ТМЭКга юбориш уни албатта инвалидга чиқаришади дегани эмас. Ҳаммаси муайян ҳолатларга: касалликнинг оғирлиги, меҳнат қобилиятининг пасайиш даражаси, ходимнинг ёши, унда бошқа ихтисосликнинг борлиги ва ҳоказоларга боғлиқ бўлади.

Бироқ ТМЭКнинг қарори – ходимни унинг соғлиғи ҳолатига кўра тўғри келадиган бошқа ишга ўтказиш учун асосдир. Комиссиянинг қарорини олгач, ходим ўзининг аввалги мажбуриятларини бажара олмайдиган муддатга эътиборни қаратинг. Меҳнат кодексининг 218-моддаси қоидаларига кўра, *«соғлиғи ҳолатига кўра енгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсиридан ҳоли бўлган ишга ўтказишга муҳтож ходимларни иш берувчи, уларнинг розилиги билан, тиббий хулосага мувофиқ вақтинча ёки муддатини чекламай, ана шундай ишларга ўтказиши шарт.*

*Соғлиғи ҳолатига кўра енгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсиридан ҳоли бўлган камроқ ҳақ тўланадиган ишга ўтказилганда шундай ишга ўтказилган кунидан бошлаб икки ҳафта мобайнида ходимларнинг аввалги ўртача ойлик иш ҳақи сақланади.*

*Сил касаллиги ёки касб касаллигига чалинганлиги сабабли камроқ ҳақ тўланадиган бошқа ишга вақтинча ўтказилган ходимларга шу ишга ўтган вақт учун, лекин икки ойдан ортиқ бўлмаган муддат давомида касаллик варақаси бўйича янги ишда бериладиган иш ҳақига қўшилганда ходимнинг аввалги ишидаги тўлиқ иш ҳақидан ошиб кетмайдиган миқдорда нафақа тўланади. Башарти касаллик варақасида кўрсатилган муддатда иш берувчи бошқа иш топиб беролмаган бўлса, у ҳолда шунинг оқибатида бекор ўтган кунлар учун нафақа умумий асосларда тўланади.*

*Иш билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлганлиги ёки соғлиғига бошқача тарзда шикаст етказилганлиги муносабати билан вақтинча камроқ ҳақ тўланадиган ишга ўтказилган ходимларга уларнинг соғлиғи шикастланганлиги учун жавобгар бўлган иш берувчи аввалги иш ҳақи билан янги ишда оладиган иш ҳақи ўртасидаги фарқни тўлайди. Бундай фарқ меҳнат қобилияти тиклангунга қадар ёки ногиронлиги белгилангунга қадар тўланади».*

### ИШДАН БЎШАТИШНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ

Ишдан бўшатиш олдидан ходимга исталган бошқа лавозимни, ҳатто агар таклиф қилинаётган иш малакаси камроқ ва оз ҳақ тўланса ҳам, таклиф қилиш зарур. Эслатиб ўтамиз, Меҳнат кодекси 92-моддасининг талабларига мувофиқ бошқа доимий ишга ўтказишга (ходимнинг меҳнат вазифаларини ўзгартиришга), яъни унга *бошқа мутахассислик, малака, лавозимга оид ишни топширишга фақат унинг ро[illegible]лиги билан йўл қўйилиши мумкин. Агар объектив сабабларга кўра* (ходим бажарилаётган ишга ёки эгаллаган лавозимига мувофиқ келмаган ҳолда) *меҳнат шартномасида белгилаб қўйилган меҳнат вазифаси доирасида ишни давом эттириш мумкин бўлмаса, иш берувчи ходимга мутахассислиги ва малакасига мувофиқ келадиган ишни, бундай иш бўлмаган тақдирда эса – корхонада мавжуд бўлган бошқа ишни таклиф этиши шарт. Ходим бошқа ишга ўтишдан бош тортган ёки корхонада мувофиқ келадиган иш бўлмаган тақдирда, меҳнат шартномаси умумий асосларда бекор қилиниши мумкин.*

Меҳнат кодексининг 102-моддаси иш берувчига меҳнат шартномасини ходимнинг малакаси етарли бўлмаганлиги ёки соғлиғи ҳолатига кўра бажараётган ишига нолойиқ бўлиб қолиши муносабати билан бекор қилиш *(100-модда иккинчи қисмининг 2-банди)* нияти тўғрисида уни камида икки ҳафта олдин ёзма равишда (имзо чектириб) огоҳлантириш мажбуриятини юклайди. Лекин қонун ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан огоҳлантириш унинг муддатига мувофиқ келадиган пуллик компенсация билан алмаштириш мумкинлигини назарда тутади.

Агар тиббий хулосага кўра мазкур ишни бажариш ходимнинг соғлиғига тўғри келмаса, меҳнат шартномаси ходимнинг соғлиғи ҳолатига кўра бажараётган ишига нолойиқ бўлиб қолиши муносабати билан ҳам огоҳлантиришсиз бекор қилиниши мумкин. Бундай ҳолда ходимга икки ҳафталик иш ҳақи миқдорида компенсация тўланади.

Агар ходим бош тортса, уни ишдан бўшатиш мумкин. Ушбу қарор фирма раҳбари ёки ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахснинг буйруғи билан расмийлаштирилади.

Иш берувчининг буйруғида меҳнат шартномасини бекор қилиш асослари Меҳнат кодекси тегишли моддаларининг таърифига ёки меҳнат шартномасини бекор қилишнинг қўшимча асосларини назарда тутувчи бошқа норматив ҳужжатлар таърифига тўла мувофиқ ҳолда албатта кўрсатилиб, Кодекснинг ёхуд бошқа норматив ҳужжатларнинг тегишли моддаси (банди) далил қилиб кўрсатилади *(МКнинг 107-моддаси).*

Меҳнат дафтарчасига «*Меҳнат муносабатлари бекор қилинган*» деган ёзув қайд этилади, «Ишдан бўшатиш асоси» устунида эса буйруқнинг санаси ва рақами кўрсатилади. N

---

**Меҳнат кодексининг 214-моддасига кўра, иш берувчи меҳнат шартномаси тузиш чоғида дастлабки тарзда ва кейинчалик (иш давомида) вақти-вақти билан қуйидаги ходимларни тиббий кўрикдан ўтказишни ташкил қилиши шарт:*

*– ўн саккиз ёшга тўлмаганлар;*

*– олтмиш ёшга тўлган эркаклар, эллик беш ёшга тўлган аёллар;*

*– ногиронлар;*

*– меҳнат шароити ноқулай ишларда, тунги ишларда, шунингдек транспорт ҳаракати билан боғлиқ ишларда банд бўлганлар;*

*– озиқ-овқат саноатида, савдо ва бевосита аҳолига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган бошқа тармоқлардаги ишларда банд бўлганлар;*

*– умумтаълим мактаблари, мактабгача тарбия ва бошқа муассасаларнинг бевосита болаларга таълим ёки тарбия бериш билан машғул бўлган педагог ва бошқа ходимлари.*

*Меҳнат шароити ноқулай ишлар ва бажарилаётганида дастлабки тарзда ва вақти-вақти билан тиббий кўрикдан ўтилиши лозим бўлган бошқа ишларнинг рўйхати ва уларни ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.*

*Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ходимлар тиббий кўриклардан ўтишдан бўйин товлашга ҳақли эмаслар. Тиббий кўрикдан ўтишдан ёки тиббий комиссияларнинг текширувлар натижасида берган тавсияларини бажаришдан бўйин товлаган ходимларни иш берувчи ишга қўймасликка ҳақлидир.*

*Ходимларнинг меҳнатидан уларнинг соғлиғи ҳолатига тўғри келмайдиган ишларда фойдаланишга йўл қўйилмайди.*

*Агар ходим ўз соғлиғининг ҳолати меҳнат шароити билан боғлиқ ҳолда ёмонлашган деб ҳисобласа, у навбатдан ташқари тиббий кўрикдан ўтказишни талаб қилишга ҳақлидир.*

*Тиббий кўриклардан ўтилиши муносабати билан ходимлар чиқимдор бўлмайдилар.*

# ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

- **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНЛАРИ:**

– «Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги конвенцияни (Женева, 1973 йил 26 июнь) ратификация қилиш ҳақида»;

– «Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 389-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»;

– «Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 109-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»;

– «Божхона имтиёзларининг қўлланилиш тартибини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»;

– «Болалар меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисидаги конвенцияни (Женева, 1999 йил 17 июнь) ратификация қилиш ҳақида»;

– «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»;

– «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»;

– «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 47-моддасига қўшимча киритиш ҳақида»;

– «Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 238-²-моддасига ўзгартиш ва қўшимча киритиш тўғрисида».

- **ИДОРАВИЙ-МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР:**

– ЎзР ДСҚ, МББнинг «Нақд пул тушуми келиб тушишининг хронометражини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори;

– ЎзР ДБҚнинг «Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан ўтаётган шахсларни кўздан кечириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори.

- **МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2008 ЙИЛ 1 МАРТДАН 14 МАРТГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ.**

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ*
*ҚОНУНИ*

## ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ УЧУН ЭНГ КИЧИК ЁШ ТЎҒРИСИДАГИ КОНВЕНЦИЯНИ (ЖЕНЕВА, 1973 ЙИЛ 26 ИЮНЬ) РАТИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ ҲАҚИДА*

***Қонунчилик палатаси томонидан 2008 йил 13 мартда қабул қилинган.***
***Сенат томонидан 2008 йил 27 мартда маъқулланган.***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 14-15-сон, 83-модда)*

Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги конвенция (Женева, 1973 йил 26 июнь) ратификация қилинсин.

***Ўзбекистон Республикасининг***
***Президенти***
***И.КАРИМОВ.***

*Тошкент ш.,*
*2008 йил 4 апрель*
*ЎРҚ–140-сон.*

***Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасининг 2008 йил 5 апрелда эълон қилинган.***

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ*
*ҚОНУНИ*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИНИНГ 389-МОДДАСИГА ЎЗГАРТИШ КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА*

***Қонунчилик палатаси томонидан 2008 йил 13 февралда қабул қилинган.***
***Сенат томонидан 2008 йил 27 мартда маъқулланган.***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 14-15-сон, 84-модда)*

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 11, 23-моддалар, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар) **389-моддаси иккинчи қисмидаги** «244-моддалари, 273-моддасининг бешинчи қисмида» деган сўзлар «244-моддаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**2-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

***Ўзбекистон Республикасининг Президенти***
***И.КАРИМОВ.***

*Тошкент ш.,*
*2008 йил 7 апрель*
*ЎРҚ-141-сон.*

***Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасининг 2008 йил 8 апрелда эълон қилинган.***

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОЖХОНА КОДЕКСИНИНГ 109-МОДДАСИГА ЎЗГАРТИШ КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА*

***Қонунчилик палатаси томонидан 2008 йил 21 февралда қабул қилинган. Сенат томонидан 2008 йил 27 мартда маъқулланган.***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 14-15-сон, 85-модда)*

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрда қабул қилинган 548–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 2, 36-модда; 1999 йил, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда, № 10, 536-модда) **109-моддасининг учинчи қисми** чиқариб ташлансин.

**2-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

***Ўзбекистон Республикасининг Президенти***
***И.КАРИМОВ.***

*Тошкент ш.,*
*2008 йил 7 апрель*
*ЎРҚ–142-сон.*

**** Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2008 йил 8 апрелда эълон қилинган.***

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ*

## БОЖХОНА ИМТИЁЗЛАРИНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАҚСАДИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ АЙРИМ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА*

***Қонунчилик палатаси томонидан 2008 йил 21 февралда қабул қилинган. Сенат томонидан 2008 йил 27 мартда маъқулланган.***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 14-15-сон, 86-модда)*

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августда қабул қилинган **«Бож тарифи тўғрисида»**ги 470–I-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 228-модда; 1998 йил, № 9, 181-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 7, 322-модда, № 9, 419-модда, № 12, 608-модда) **33-моддаси биринчи қисмининг ўн учинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«чет эллик инвесторлар ва устав фондида чет эл инвестицияларининг улуши камида ўттиз уч фоиз бўлган чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар томонидан ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган мол-мулк».

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган **«Чет эл инвестициялари тўғрисида»**ги 609–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-6, 91-модда; 1999 йил, № 9, 229-модда) **12-моддасининг олтинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Чет эллик инвесторлар ва устав фондида чет эл инвестицияларининг улуши камида ўттиз уч фоиз бўлган чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар томонидан ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган мол-мулк бож ундиришдан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда озод қилинади. Чет эллик инвесторларнинг ва чет эллик инвесторлар билан тузилган меҳнат шартномаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида турган чет давлатлар фуқароларининг шахсий эҳтиёжлари учун олиб кириладиган мол-мулкдан бож ундирилмайди».

**3-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

***Ўзбекистон Республикасининг Президенти***
***И.КАРИМОВ.***

*Тошкент ш.,*
*2008 йил 7 апрель*
*ЎРҚ–143-сон.*

**** Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2008 йил 8 апрелда эълон қилинган.***

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ*

## БОЛАЛАР МЕҲНАТИНИНГ ОҒИР ШАКЛЛАРИНИ ТАҚИҚЛАШ ВА ЙЎҚ ҚИЛИШГА ДОИР ШОШИЛИНЧ ЧОРАЛАР ТЎҒРИСИДАГИ КОНВЕНЦИЯНИ (ЖЕНЕВА, 1999 ЙИЛ 17 ИЮНЬ) РАТИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ ҲАҚИДА*

***Қонунчилик палатаси томонидан 2008 йил 13 мартда қабул қилинган. Сенат томонидан 2008 йил 27 мартда маъқулланган.***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 14-15-сон, 87-модда)*

Болалар меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисидаги конвенция (Женева, 1999 йил 17 июнь) ратификация қилинсин.

***Ўзбекистон Республикасининг Президенти***
***И.КАРИМОВ.***

*Тошкент ш.,*
*2008 йил 8 апрель*
*ЎРҚ–144-сон.*

**** Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2008 йил 9 апрелда эълон қилинган.***

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ*
*ҚОНУНИ*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ КОДЕКСИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА*

***Қонунчилик палатаси томонидан 2008 йил 13 февралда қабул қилинган.***
***Сенат томонидан 2008 йил 27 мартда маъқулланган.***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 14-15-сон, 88-модда)*

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **9-модда:**

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг байроғи остидаги ёки Ўзбекистон Республикасининг портида рўйхатга олинган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида очиқ ҳаво ёки сув бўшлиғида бўлган кемада маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ушбу Кодексга мувофиқ маъмурий жавобгарликка тортилади»;

**иккинчи** ва **учинчи қисмлари** тегишинча **учинчи** ва **тўртинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

2) **117-модда:**

**биринчи қисмининг санкциясидаги** «энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан бир бараваригача» деган сўзлар «энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи қисмининг санкциясидаги** «энг кам иш ҳақининг ўндан бир қисмидан иккидан бир қисмигача» деган сўзлар «энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **121-модда:**

**биринчи қисмининг санкциясидаги** «уч бараваридан беш бараваригача» деган сўзлар «ўн бараваридан ўн беш бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи қисмининг санкциясидаги** «икки бараваридан тўрт бараваригача» деган сўзлар «беш бараваридан ўн бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **122-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Маҳаллий ва узоқ масофага қатнайдиган поездларда, дарё кемаларида белгиланмаган жойларда, шаҳар атрофига қатнайдиган поездларнинг вагонларида (шу жумладан, тамбурларида), шаҳар ичида, шаҳар атрофига, шаҳарлараро ва халқаро йўналишларда қатнайдиган автобусларда чекиш, шунингдек таксиларда, маршрут таксиларда ҳамда шаҳар электр транспортида чекиш —

энг кам иш ҳақининг йигирмадан бир қисми миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Ҳаво кемаларида чекиш —

энг кам иш ҳақининг икки баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади».

**2-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

***Ўзбекистон Республикасининг Президенти***
***И.КАРИМОВ.***

*Тошкент ш.,*
*2008 йил 8 апрель*
*ЎРҚ–145-сон.*

**** Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2008 йил 9 апрелда эълон қилинган.***

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ*
*ҚОНУНИ*

# «ИСТЕЪМОЛЧИЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА*

***Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 12 декабрда қабул қилинган.***
***Сенат томонидан 2008 йил 27 мартда маъқулланган.***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 14-15-сон, 90-модда)*

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган **«Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»**ги 221–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 5-6, 59-модда; 2002 йил, № 4-5, 74-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 413-модда; 2006 йил, № 10, 536-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **11-модданинг олтинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Дори-дармон, озиқ-овқат ва маиший кимё товарларида уларнинг ишлаб чиқарилган санаси, яроқлилик муддати ҳамда уларни сақлаш шартлари кўрсатилган бўлиши лозим. Сотувчиларга ишлаб чиқарилган санаси ва яроқлилик муддати кўрсатилмаган ёки яроқлилик муддати ўтган товарларни қабул қилиш ҳамда реализация қилиш ман этилади»;

2) **21-модданинг иккинчи қисми** «фойдаланишга қисташга» деган сўзлардан кейин «шунингдек кўрсатилмаган хизматлар учун ҳақ олишга» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

3) **27-модда иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**** Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2008 йил 10 апрелда эълон қилинган.***

«Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий органлари ишлаб чиқарувчига (ижрочига, сотувчига):

ишлаб чиқарилган санаси ва яроқлилик муддати кўрсатилиши шарт эканлиги қонун ҳужжатларида белгиланганлигига қарамай ишлаб чиқарилган санаси ва яроқлилик муддати кўрсатилмаган товарларни реализация қилишга ва сотишга қабул қилганлик учун — товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) хавфсиз бўлиши ва сифати устидан назоратни амалга оширувчи тегишли давлат бошқаруви органларининг ушбу товарларнинг истеъмол (фойдаланиш) учун яроқлилиги тўғрисидаги хулосаси олинган тақдирда, реализация қилиш учун қабул қилинган товарлар ҳажмининг беш фоизи миқдорида ва ушбу товарларнинг истеъмол (фойдаланиш) учун яроқсизлиги тўғрисидаги хулосаси олинган тақдирда, реализация қилиш учун қабул қилинган товарлар ҳажмининг юз фоизи миқдорида, бироқ энг кам иш ҳақининг икки юз бараваридан кўп бўлмаган миқдорда;

яроқлилик муддати ўтган товарларни реализация қилишга ва сотишга қабул қилганлик учун — реализация қилиш учун қабул қилинган товарлар ҳажмининг юз фоизи миқдорида, бироқ энг кам иш ҳақининг уч юз бараваридан кўп бўлмаган миқдорда;

истеъмолчилар ҳуқуқларининг бузилишини бартараф этиш тўғрисидаги кўрсатмаларни бажаришдан бўйин товлаганлик ёки ўз вақтида бажармаганлик, шунингдек уларга товарлар (ишлар, хизматлар) тўғрисида ахборот тақдим этмаганлик ёки била туриб нотўғри маълумотлар тақдим этганлик учун:

юридик шахсларга — энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда;

жисмоний шахсларга — энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солиш ҳуқуқига эга».

**2-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

***Ўзбекистон Республикасининг Президенти***
***И.КАРИМОВ.***

*Тошкент ш.,*
*2008 йил 9 апрель*
*ЎРҚ–147-сон.*

---

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ*
*ҚОНУНИ*

## «СУД ҲУЖЖАТЛАРИ ВА БОШҚА ОРГАНЛАР ҲУЖЖАТЛАРИНИ ИЖРО ЭТИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИНГ 47-МОДДАСИГА ҚЎШИМЧА КИРИТИШ ҲАҚИДА*

***Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 23 ноябрда қабул қилинган.***
***Сенат томонидан 2008 йил 27 мартда маъқулланган.***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 14-15-сон, 91-модда)*

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августда қабул қилинган **«Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»**ги 258–II-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9-10, 169-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 8, 367-модда) **47-моддаси** қуйидаги мазмундаги **тўққизинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Инвестор билан давлат мулкини бошқариш бўйича ваколатли давлат органи ўртасида тузилган шартномага мувофиқ инвестиция мажбуриятлари сифатида киритилаётган маблағлар ва бошқа мол-мулк инвестиция даври мобайнида қарздорнинг илгари юзага келган қарзини қоплаш ҳисобига мажбурий тартибда ундириб олинмайди».

**2-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

***Ўзбекистон Республикасининг Президенти***
***И.КАРИМОВ.***

*Тошкент ш.,*
*2008 йил 9 апрель*
*ЎРҚ–148-сон.*

**** Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2008 йил 10 апрелда эълон қилинган.***

---

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ*
*ҚОНУНИ*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИНИНГ $238^2$-МОДДАСИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧА КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА*

***Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 27 ноябрда қабул қилинган.***
***Сенат томонидан 2008 йил 27 мартда маъқулланган.***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 14-15-сон, 92-модда)*

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 августда қабул қилинган 477–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9-сонга илова; 2001 йил, № 1-2, 11-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 8, 367-модда) **$238^2$-моддасига** қуйидаги ўзгартиш ва қўшимча киритилсин:

1) **2-банд** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2) агар талаб ёзма битимга асосланган ва қарздор томонидан тан олинган бўлса, шу жумладан, агар коммунал хизматлар тўлови бўйича қарзни ундириш ҳақидаги талаб арз қилинган бўлса»;

2) қуйидаги мазмундаги **4-банд** билан тўлдирилсин:

«4) агар ҳисобланган, лекин ходимга тўланмаган иш ҳақини ва унга тенглаштирилган тўловларни ундириш ҳақидаги талаб арз қилинган бўлса».

**2-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

***Ўзбекистон Республикасининг Президенти***
***И.КАРИМОВ.***

*Тошкент ш.,*
*2008 йил 9 апрель*
*ЎРҚ–149-сон.*

**** Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2008 йил 10 апрелда эълон қилинган.***

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ,*
*МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ*
*ҚАРОРИ*

# НАҚД ПУЛ ТУШУМИ КЕЛИБ ТУШИШИНИНГ ХРОНОМЕТРАЖИНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА*

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 9 апрелда 1788-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 14-15-сон, 112-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 71-моддаси, Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида» қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 7 ноябрдаги «Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–726-сон қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 августдаги «Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 280-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Нақд пул тушуми келиб тушишининг хронометражини ўтказиш тартиби тўғрисида низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

---

***2008 йил 19 апрелдан кучга киради.**

*Давлат солиқ қўмитаси раиси*
***Б.ПАРПИЕВ.***
*2008-16-сон*

*Марказий банк Бошқаруви раиси*
***Ф.МУЛЛАЖОНОВ.***
*300-В–сон*

*Тошкент ш., 2008 йил 10 март.*

*Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банк Бошқарувининг 2008 йил 10 мартдаги 2008-16, 300-В-сон қарори билан ТАСДИҚЛАНГАН*

## НАҚД ПУЛ ТУШУМИ КЕЛИБ ТУШИШИНИНГ ХРОНОМЕТРАЖИНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 71-моддаси, Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида» ва «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 7 ноябрдаги «Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–726-сон қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 августдаги «Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 280-сон қарорига мувофиқ нақд пул тушуми келиб тушишининг хронометражини (бундан буён — хронометраж) ўтказиш тартибини белгилайди.

### I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Солиқ тўловчининг нақд пул тушуми келиб тушишининг хронометражи хронометраж ўтказилган даврда ҳақиқатда келиб тушган нақд пул тушумини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

2. Нақд пул тушуми келиб тушишининг хронометражи нақд ҳисоб-китоб асосида товарлар реализация қиладиган ёки хизматлар кўрсатадиган солиқ тўловчи ҳузурида бевосита товарлар реализация қилинадиган, хизматлар кўрсатиладиган жойда давлат солиқ хизмати органи томонидан кузатиш ва қайд этиш орқали ўтказилади.

3. Нақд пул тушуми келиб тушишининг хронометражини амалга ошириш жараёнида текширув ўтказишга, солиқ тўловчидан бирон бир ахборот ёки тушунтиришлар талаб қилишга, солиқ тўловчига нисбатан талаблар тақдим этишга ёки унинг фаолиятига бошқача тарзда аралашишга йўл қўйилмайди, бундан фискал хотирали назорат-касса машинасида сақланаётган хронометраж ўтказилаётган вақтга доир маълумотларни олиш мустасно.

4. Нақд пул тушуми келиб тушишининг хронометражи натижаларидан фақат тақдим этилаётган солиқ ҳисоботининг тўғрилигини таҳлил этиш учун, шунингдек солиқ солиш объектлари ва солиқ солиш билан боғлиқ объектлар тўғрисидаги маълумотлар базасини юритиш учун фойдаланилади. Хронометраж натижаси солиқ тўловчини жавобгарликка тортиш учун асос бўла олмайди.

5. Хронометраж солиқ назорати тадбири ҳисобланади ва Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши билан келишиш талаб этилмайди. Нақд пул тушуми келиб тушишининг хронометражи ўтказилганлиги тўғрисидаги тегишли маълумот солиқ тўловчининг Текширишларни рўйхатга олиш китобига киритилади.

### II. НАҚД ПУЛ ТУШУМИ КЕЛИБ ТУШИШИНИНГ ХРОНОМЕТРАЖИНИ ЎТКАЗИШ УЧУН АСОС ВА ТАДБИРГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ

6. Солиқ солиш объектларини ва солиқ солиш билан боғлиқ объектларни ҳисобга олиш жараёнида солиқ тўловчи томонидан тушум миқдори камайтирилганлигини тахмин қилиш имконини берадиган тафовутларнинг аниқланиши нақд пул тушуми келиб тушишининг хронометражини ўтказиш учун асос бўлади.

7. Хронометраж ўтказиладиган солиқ тўловчилар танлаб олингандан сўнг давлат солиқ хизмати органининг масъул ходими томонидан хронометраж ўтказиладиган солиқ тўловчилар рўйхати тузилади ва мазкур рўйхат асосида хронометраж ўтказиш тўғрисида буйруқ лойиҳаси тайёрланади.

8. Нақд пул тушуми келиб тушишининг хронометражини ўтказиш тўғрисидаги буйруқ давлат солиқ хизмати органининг раҳбари ёки раҳбар ўринбосари томонидан қабул қилинади.

9. Нақд пул тушуми келиб тушишининг хронометражи-

ни ўтказиш тўғрисидаги буйруқда хронометраж ўтказиладиган солиқ тўловчи, хронометражни ўтказиш жойи ва муддати, хронометраж ўтказиладиган давр, хронометраж ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинишига сабаб бўлган тафовут, шунингдек давлат солиқ хизмати органининг хронометраж ўтказадиган мансабдор шахслари кўрсатилади.

10. Нақд пул тушуми келиб тушишининг хронометражи солиқ тўловчиларда белгиланган иш режимига асосан бир иш куни давомида ўтказилади, айрим ҳолларда ушбу тадбир уч иш куни давомида ўтказилиши мумкин.

### III. НАҚД ПУЛ ТУШУМИ КЕЛИБ ТУШИШИНИНГ ХРОНОМЕТРАЖИНИ ЎТКАЗИШ ДАВРИДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ТАДБИРЛАР

11. Хронометражни ўтказиш жараёни бошида солиқ тўловчи давлат солиқ хизмати органи масъул ходими томонидан хизмат гувоҳномаси кўрсатилган ҳолда хронометраж ўтказиш тўғрисидаги буйруқ билан таништирилади ҳамда буйруқ нусхаси солиқ тўловчига тақдим этилади.

12. Давлат солиқ хизмати органи ходими хронометраж бошланган ва тугаган вақтда фискал хотирали назорат-касса машинасида сақланаётган хронометраж ўтказилаётган вақтга доир маълумотларни олади.

13. Давлат солиқ хизмати органи ўтказилаётган хронометраж тадбири жараёнида фискал хотирали назорат-касса машинаси ёки квитанциялар, чеклар ва бошқа реализация қилганликни тасдиқловчи ҳужжатларнинг мавжудлиги, солиқ тўловчи ва инкассация хизмати ўртасидаги шартнома мавжудлигини кўздан кечиради.

14. Хронометраж ўтказилаётган солиқ тўловчида касса қолдиғи лимити белгиланганлиги ҳамда ушбу белгиланган касса қолдиғи лимитининг амалдаги ижроси таҳлил қилинади.

15. Хронометраж ўтказилаётган солиқ тўловчининг харидор (истеъмолчи)лар билан ҳисоб-китоб қилишда фискал хотирали назорат-касса машинасидан тўлиқ фойдаланиши ёки квитанциялар, чеклар ва бошқа реализация қилганликни тасдиқловчи ҳужжатларнинг тўлиқ тўлдирилиши ўрганиб чиқилади.

16. Харидор (истеъмолчи)лар билан ҳисоб-китоб вақтида назорат-касса машинаси чеки, квитанциялар, чеклар ва бошқа реализация қилганликни тасдиқловчи ҳужжатларнинг тўлиқ тўлдирилиши талаб қилинади ҳамда кун давомида назорат-касса машинаси чеки, квитанциялар, чеклар ва бошқа реализация қилганликни тасдиқловчи ҳужжатларнинг амалдаги сони саноқдан ўтказилади.

17. Хронометраж ўтказилаётган солиқ тўловчи томонидан солиқ хизмати органларига топширилган ҳисоботларда кўрсатилган чакана товар айланмасининг реал чакана товар айланмасига мос келиши таҳлил қилинади.

18. Хронометраж ўтказилаётган солиқ тўловчининг иш якуни бўйича амалдаги кунлик нақд пул тушумлари, назорат-касса машинасининг кунлик ҳисоботи ёки квитанциялар, чеклар ва бошқа реализация қилганликни тасдиқловчи ҳужжатлар билан таққосланади ҳамда давлат солиқ хизмати органининг масъул ходими нақд пул тушуми келиб тушишининг хронометражи натижалари юзасидан иловадаги жадвални тўлдиради ва маълумотнома тайёрлаб, имзолайди. Маълумотноманинг кўчирма нусхаси солиқ тўловчига топширилади.

19. Хронометраж натижалари юзасидан тузилган маълумотнома давлат солиқ хизмати органи раҳбари ёки раҳбар ўринбосарининг кўрсатмасига асосан Давлат солиқ инспекциясининг «Қисқа муддатли текширишларни ташкил этиш» бўлими (шуъбаси)га топширилади ва умумлаштирилиб, алоҳида йиғма жилдга тикилиб борилади. Хронометраж натижалари бўйича тузилган маълумотномалар махсус китобда қайд этиб борилади.

### IV. ЯКУНИЙ ҚОИДА

20. Давлат солиқ хизмати органининг масъул ходими томонидан хронометраж жараёнида савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини бузган, нақд пул тушумини банк филиалларига тўлиқ топширмаган, аҳоли билан нақд пул ҳисоб-китобларини амалга оширишда фискал хотирали назорат-касса машинасидан фойдаланмаган, харидорларга (истеъмолчиларга) квитанциялар, чеклар ва бошқа реализация қилганликни тасдиқловчи ҳужжатларни бермаган ҳамда нақд пул тушумини яширган солиқ тўловчига нисбатан белгиланган тартибда қисқа муддатли текширишларни ташкил этиш мақсадида давлат солиқ хизмати органи раҳбари номига билдиришнома киритилади.

*Нақд пул тушуми келиб тушишининг хронометражини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга*
*1-ИЛОВА*

________________________________________ солиқ тўловчи (ёки унга қарашли шохобча)да
(жойлашган манзили, шохобча номи)

200_ йил «___» _____ да ўтказилган хронометраж тўғрисида

М А Ъ Л У М О Т Н О М А

Солиқ тўловчининг иш вақти _______, тушлик _____, дам олиш куни ____

Хронометраж бошланган вақт _______ тугаган вақт ______

Ўрнатилган назорат-касса машинаси русуми _________ ________
завод рақами

________________________________________
давлат солиқ хизмати органида рўйхатга олинган сана, рақами

Инкассация шартномаси ____________________
(№ ва санаси)

Ихтисослашиши ____________________
(маҳсулот ёки хизмат тури)

Давлат солиқ хизмати органи ходими ________ ____________
имзо Ф.И.Ш.

Солиқ тўловчи ________ ____________
имзо Ф.И.Ш.

*Нақд пул тушуми келиб тушишининг хронометражини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга*
*2-ИЛОВА*

**________________ манзилдаги ________________ номли солиқ тўловчида ўтказилган хронометражлар тўғрисида маълумот**

| Хронометраж ўтказилган сана, бошланган ва тугалланган вақти | Ходимлар сони | | | | | Нақд пул тушуми бўйича ойлик белгиланган топшириқ (минг сўм) | Ҳақиқатда хронометраж кунигача топширилган сумма (минг сўм) | Хронометраж ўтказилган кундан бир кун олдинги топширилган сумма (минг сўм) | Хронометраж кунлари топширилган нақд пул суммаси (минг сўм) | Ўтган ҳафтанинг шу куни топширилган нақд пул суммаси (минг сўм) | Бир кун олдинги тушумга нисбатан фарқи (+ ёки -) | Ўтган ҳафтанинг шу кунига нисбатан фарқи (+ ёки -) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | раҳбар | ҳисобчи | асосий ишчи (хизматчи)лар сони | ёрдамчи ишчи (хизматчи)лар | бошқа ишчилар | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | |

Хронометраж ўтказган ходимлар ________________
Ф.И.Ш.

Солиқ тўловчи ________________
Ф.И.Ш.

*Нақд пул тушуми келиб тушишининг хронометражини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга*
*3-ИЛОВА*

**_______ туман (шаҳар)даги солиқ тўловчиларда давлат солиқ хизмати органи ходимлари томонидан ўтказилган хронометраж натижаларини қайд этиш КИТОБИ**

| Т/р | Солиқ тўловчининг номи ва манзили | Хронометраж ўтказилган сана | Хронометраж ўтказган ходимлар фамилияси, исми, шарифи | Давлат солиқ хизмати органи ходимларининг иш жойи | Хронометраж ўтказилган кундаги тушум (минг сўм) | Бир кун олдинги тушум (минг сўм) | Фарқи | Текшириш ўтказиш учун давлат солиқ хизмати органи бошлигига киритилган билдиришнома санаси |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | |
| | | | | | | | | |
| | | | | | | | | |
| | | | | | | | | |

---

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ ҚАРОРИ*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОЖХОНА ЧЕГАРАСИДАН ЎТАЁТГАН ШАХСЛАРНИ КЎЗДАН КЕЧИРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ ЙЎРИҚНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИШ ҲАҚИДА*

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 9 апрелда 1307-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 14-15-сон, 114-модда)*

Ўзбекистон Республикасининг «Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида» ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги қонунларига асосан, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан ўтаётган шахсларни кўздан кечириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага (2004 йил 2 февраль, рўйхат рақами 1307 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 5-сон, 58-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш киритилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киритилсин.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Давлат божхона қўмитаси Раисининг биринчи ўринбосари Ш. Хайруллаев зиммасига юклатилсин.

***Давлат божхона қўмитаси раиси***
***С.НОСИРОВ.***

*Тошкент ш.,*
*2008 йил 5 апрель*
*01-02/22-31-сон.*

****2008 йил 19 апрелдан кучга киради.***

*Давлат божхона қўмитасининг*
*2008 йил 5 апрелдаги 01-02/22-31-сон қарорига*
*ИЛОВА*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОЖХОНА ЧЕГАРАСИДАН ЎТАЁТГАН ШАХСЛАРНИ КЎЗДАН КЕЧИРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА ЙЎРИҚНОМАГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШ

3-банднинг иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Президенти ва собиқ Президенти, шунингдек, хизмат вазифасини бажариш билан боғлиқ бўлган ҳолда божхона чегарасидан ўтаётган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутатлари, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари божхона назоратининг «Шахсни кўздан кечириш» шаклидан озод қилинади».

---

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

## ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАРИНИНГ УМУМИЙ МАЖБУРИЙ ТУСДАГИ НОРМАТИВ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2008 ЙИЛ 1 МАРТДАН 14 МАРТГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

## I. ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИЛДИ:

1. «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда божхона тўловларидан озод қилинадиган технологик жиҳозлар, бутловчи буюм ва эҳтиёт қисмлар Рўйхатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг 2008 йил 29 февралдаги 40, 16, ЭГ-01/19-862, 01-02/8-18-сонли қарори.*

***2008 йил 4 мартда 1669-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 14 мартдан кучга киради).***

2. «Ўзбекистон Республикаси божхона органларида контрактлар (шартномалар) ва битимларни ҳисобга қўйиш тартибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2008 йил 4 февралдаги 01-02/19-15-сонли қарори.*

***2008 йил 4 мартда 832-4-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 14 мартдан кучга киради).***

3. «Табиий газга қўшимча фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2008 йил 21 февралдаги 15, 2008-11-сонли қарори.*

***2008 йил 5 мартда 1776-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 15 мартдан кучга киради).***

4. «Ҳисоб-китоблар маълумотномасини расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимча киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Давлат божхона қўмитасининг 2008 йил 26 январдаги 215-В-3, 01-02/19-12-сонли қарори.*

***2008 йил 5 мартда 1137-3-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 15 мартдан кучга киради).***

5. «Автобензин ва дизель ёқилғиси учун қатъий миқдорда белгиланган акциз солиғи ставкаларини қайта кўриб чиқиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2008 йил 5 мартдаги 23-сонли буйруғи.*

***2008 йил 6 мартда 1777-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 16 мартдан кучга киради).***

6. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 24 июндаги 242-сонли қарорининг 1-банди 2-хатбошисини қўллаш бўйича кўрсатмани ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2008 йил 3 мартдаги 01-02/8-23-сонли қарори.*

***2008 йил 7 мартда 948-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 17 мартдан кучга киради).***

7. «Адвокатлик бюролари, адвокатлар ҳайъатлари, адвокатлик фирмалари ва адвокатлар томонидан бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2008 йил 28 февралдаги 17, 20-26-4, 2008-05-сонли қарори.*

***2008 йил 7 мартда 1330-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 17 мартдан кучга киради).***

## II. ДАВЛАТ РЕЕСТРИДАН ЧИҚАРИЛДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 24 июндаги 242-сонли қарорининг 1-банди 2-хатбошисини қўллаш бўйича кўрсатма. *Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 948, 2000 йил 17 июль).*

**Адлия вазирининг 2008 йил 7 мартдаги 40-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.**

2. Адвокатлик бюролари, адвокатлар ҳайъатлари, адвокатлик фирмалари ва адвокатлар томонидан бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома ва 1-сон ўзгартишлар. *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1330, 2004 йил 22 март), (рўйхат рақами 1330-1, 2007 йил 11 июнь).*

**Адлия вазирининг 2008 йил 7 мартдаги 41-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.**

## III. ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИЛИШИ ЛОЗИМ ЭМАС:

1. Ғовак қатламларда газни ер остида сақлаш иншоотларини барпо этиш ва ишлатиш қоидалари. *«Саноатконтехназорат» Давлат инспекцияси бошлиғининг буйруғи билан тасдиқланган.*

Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда ушбу ҳужжат техник ҳужжат деб топилди.

**Мазкур ҳужжат белгиланган тартибда кўрсатилган идора томонидан тасдиқланиб, кучга киритилиши мумкин. Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлмаган норматив ҳужжатларда амалдаги қонун ҳужжатларига зид қоидалар бўлмаслиги лозим.**

***Маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Идоравий-меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси томонидан тайёрланди.***
***Саволлар ва таклифлар учун телефонлар: 233-38-67, 232-00-28.***

Бизнес **Панорама**
РЕКЛАМА & АХБОРОТ
«Норма маслаҳатчи» 16 (145)-сон 2008 йил 18 апрель

"ART-FLEX" МЧЖ **ҲАММАСИ ОФИС УЧУН**
- КЕНГ АССОРТИМЕНТДАГИ ЁЗУВ-ЧИЗУВ ҚУРОЛЛАРИ ВА МАКТАБ АНЖОМЛАРИ
- ТУРЛИ ОФИС ҚОҒОЗЛАРИ, БЛОКНОТЛАР
- ТЕЗТИККИЧЛАР, ЖУРНАЛЛАР ВА БОШҚ.
- ТЕЛЕФОН АППАРАТЛАРИ, СОАТЛАР, СТОЛ ЛАМПАЛАРИ
- ЭЛЕКТР ХЎЖАЛИК ТОВАРЛАРИ ВА БОШҚ.

Тел.: 244-0493, 244-3792, 267-9753, 68-7597

"SANAY" ҚК Хитой ва Италияда ишлаб чиқарилган юқори сифатли
SANAY Co.Ltd
# КАФЕЛЬ
сотади, ўлчами 60х60, 45х45, 40х40
**Буюртма бўйича Хитойдан ҳар қандай ускунани етказиб берамиз**
Товар сертификатланган
Хизматлар лицензияланган
Тошкентдаги омбордан сотилади
Тўлов – исталган шаклда

Тошкент ш., Ҳамза тумани, Султонали Машҳадий кўч., 210 (мўлжал – шампан винолари заводи).
Тел. 269-44-66, факс 269-44-33,
Уяли +99893 375-56-58.
E-mail: sanay_uz@yahoo.com

- Бланкалар
- Бандероллар
- Тезтиккичлар
- Бухгалтерия ва ёзув-чизув дафтарлари

Poligraf Media
СИФАТ БИЗНИНГ ШИОРИМИЗ
АГЕНТ ВА ДИЛЕРЛАР ҲАМКОРЛИККА ТАКЛИФ ҚИЛИНАДИ
Тел./факс: 150-0090, 150-0091 Уяли: 187-9797

"Бизнес-панорама. Реклама & ахборот" рукни "Premier-press" реклама агентлиги томонидан тайёрланди. Тел.: 244-02-01, 244-02-40.

## ТАШКИЛОТ ҚУЙИДАГИЛАРНИ СОТАДИ


Тўлов – исталган шаклда, пул ўтказишда етказиб бериш муддати 1,5-2 ой.
**Т.: 140-00-61/62, 110-41-43, 317-67-97**

"EURASIAN FOODS" АЖ
## ЁҒ-МОЙ МАҲСУЛОТИ
(сариёғ, маргарин, майонез, ўсимлик ёғи)ни
Ўзбекистон Республикасида сотиш учун компанияларни ҳамкорликка таклиф этади
Қозоғистондаги (Қарағанда ш.) алоқа боғлаш телефонлари:
**+7 7212 44 12 08, 44 09 85**
**+7 701 588 90 42, 544 71 80**
E-mail: jsc _ kmz@mail.ru
Батафсил маълумотлар www.margarine.kz сайтида

Товар сертификатланган
"Sanar Motors" МЧЖ KIA Motors нинг Ўзбекистондаги расмий дилери


Автосалон: Тошкент ш., Ҳ.Абдуллаев кўч., 54А, "Буюк ипак йўли" метро бекати.
Тел.: 323 2566, 140 0061/62, 175 6975.
Барча автомобиллар божхонада расмийлаштирилган
www. kiamotors.com

Бўлғуси тақдимот маросимлари, кўргазмалар, матбуот анжуманлари ҳақидаги матбуот-релизларни, хабарнома-таклифномаларни «СБХ» таҳририятига 244-44-45 телефон-факси орқали жўнатишингиз мумкин.

ЎзЭКСПО МАРКАЗ
Тошкент

TIHE 2008

2008 й. 24-27 АПРЕЛЬ

13-нчи Ўзбекистон халқаро
# КЎРГАЗМАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ

Ташкилотчи: ITE UZBEKISTAN

Маросимнинг расмий очилиши
2008 йил 24 апрель соат 11.00 да

Кўргазманинг ишлаш вақти:
24 апрель 11.30 - 18.00
25 апрель 10.00 - 18.00
26 апрель 10.00 - 18.00
27 апрель 10.00 - 16.00

Ўзбекистон, 100015, Тошкент, Ойбек кўч., 20
Тел.: +(998 71) 113 01 80, факс: + (998 71) 252 51 64, E-mail: post@ite-uzbekistan.uz
www.ite-uzbekistan.uz
ufi Member

**www.pc.uz - Ўзбекистон компьютер бозоридаги талаб ва таклиф**

ООО "INTERKABEL" предлагает
ОФИЦИАЛЬНЫЙ ДИЛЕР СП ОАО "АНДИЖАНКАБЕЛЬ"
·КАБЕЛЬНО-ПРОВОДНИКОВУЮ ПРОДУКЦИЮ* по ценам производителя СП ОАО "Андижанкабель"
·СЕТКИ латунные тканные (из никеля, бронзы, нержавеющей и оцинкованной стали)
·ЭЛЕКТРОННЫЕ СЧЕТЧИКИ* 1, 3-х фазные DDS28, DTS541, Ex541
Услуги лицензированы
Товар сертифицирован
г. Ташкент, ул. Паркентская, 30В (ор-р - Паркентский рынок)
Форма оплаты - любая Тел. 169 4314, факс 169 4390

МДҲдаги ЭНГ ЙИРИК ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРДАН БИРИ
АНДИЖОН КАБЕЛЬ ЗАВОДИ



TÜV CERT EN ISO 9001
ТОВАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН
РЕАЛ НАРХЛАР БЎЙИЧА СИФАТ ВА КАФОЛАТ



Тошкент ш., М.Жалил кўч., 92. Тел.: 150-11-77 (кўп тармоқли),150-55-66, 269-00-49 e-mail: tashkent@ak.uz, www.cable.uz

pr_7-47-01
# МЕТАЛЛОПРОКАТ

| | | | |
|---|---|---|---|
| ЛИСТ | ХОЛОДНОКАТАНЫЙ | от 0,5 до 0,8 мм | ст. 08КП |
| ЛИСТ | ГОРЯЧЕКАТАНЫЙ | от 2 до 25 мм | ст. 3сп5, 40Х, 65Г |
| ЛИСТ | НЕРЖАВЕЮЩИЙ | от 1 до 6 мм | 12Х17, 12Х18Н10Т |
| КРУГ | НЕРЖАВЕЮЩИЙ | от 16 до 130 мм | 12Х18Н10Т |
| КРУГ | ЖАРОПРОЧНЫЙ | от 30 до 250 мм | 20-30Х13, 23Х18Н10 |
| КРУГ | КОНСТРУКЦИОННЫЙ | от 13 до 260 мм | ст. 3, 10-45, 20Х-40Х |

Тел.: 255-76-74, 281-35-61. Факс 254-94-95

Rutrans & Partners
Голландиянинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси
DICKIES компаниясининг Ўзбекистондаги расмий вакили
Ишчи ва махсус кийим
Ишчи ва махсус пойабзал
Ёнғинга қарши ускуналар
Махсус кийим аксессуарлари
Шланглар ва бутловчи қисмлар



Товар сертификатланган
pr_7-50-01
Манзил: Тошкент ш., Юнусобод тумани, Ниёзбек йўли кўч., 1, 4-қават, 11-хона.
www.rutransenpartners.com
e-mail: by.rutransenpartners@rambler.ru
Тел.: (+99893) 377-1476, (+99890) 325-6043

товар сертификатланган
O'ZKABEL
SGS
МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ КАБЕЛЬ-ЎТКАЗГИЧ МАҲСУЛОТИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ЭНГ ЙИРИК ЗАВОД
КЕНГ АССОРТИМЕНТ
100% лик СИФАТ КАФОЛАТИ



"Ўзкабель" ОАЖ КК. Манзил: Ўзбекистон Республикаси,
Тошкент ш., 100041, Ф.Хўжаев кўч., 2
Тел./факс: (+99871) 262 02 86, 262 13 33
marketing@uzkabel.uz www.uzkabel.uz

ЎЗЭКСПО МАРКАЗ
Тошкент
Ўзбекистон
CAITME
Central Asian International Textile Machinery Exhibition
16-18 апрель 2008 й.
4-нчи Марказий Осиё халқаро
КЎРГАЗМАСИ
ГАЗЛАМА УСКУНАЛАРИ
www.textileexpo.uz www.ite-uzbekistan.uz
Ташкилотчи:
ITE UZBEKISTAN
Тел. +(998 71) 113 01 80
факс +(998 71) 252 51 64
E-mail: post@ite-uzbekistan.uz
Маросимнинг расмий очилиши 2008 йил 16 апрель соат 11.00 да
Кўргазманинг ишлаш вақти:
16 апрель 11.30 - 18.00 17 апрель 10.00 - 18.00
18 апрель 10.00 - 16.00
ufi Member

www.pc.uz - Ўзбекистон компьютер бозоридаги талаб ва таклиф

Иқтисодий-ҳуқуқий газета
НОРМА МАСЛАҲАТЧИ
СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ ҲУҚУҚ
ТАЪСИСЧИ "Norma Hamkor" МЧЖ
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.

БОШ МУҲАРРИР
ФАРҲОД ҚУРБОНБОЕВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100000, Тошкент ш.,
Ҳ.Олимжон майд., 10а.
E-mail: normapress@mail.ru

Нашр учун масъул:
Нодир Алимов

*Муаллифлар фикри доим ҳам таҳририят нуқтаи-назарига мос келавермайди. Чоп этилган тавсиялар, тушунтиришлар, жумлалар, фактлар, статистик маълумотлар, реклама эълонларининг аниқлигига жавобгарлик материал муаллифи зиммасига юкланади.*

*Таҳририят огоҳлантирадики, газетамизда мавжуд ахборотдан фойдаланганлик, фойдаланмаганлик ёки мувофиқ равишда фойдаланмаганлик билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатлар ва/ёки оқибатлар учун таҳририят жавобгар эмас. Таҳририят муштарийлар билан ёзишиб туриш имкониятига эга эмас.*

*"Норма маслаҳатчи"да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат "Norma" МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.*

Газета таҳририят томонидан тайёрланган диапозитивлар ёрдамида "O`zbekiston" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди (Тошкент ш., А.Навоий кўч., 30).
Буюртма J5099. Адади 6590. Баҳоси келишилган нархда
***Газета 2008 йил 17 апрелда соат 16.30 да топширилди.***